**... Журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифадир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**


*O'zingni angla!*

# Hurriyat

*Mustaqil gazeta*

2021-yil
14-iyul
chorshanba
№ 29 (1245)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби фазилатларни қарор топтиришдаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни улуғлаш мақсадида:

**1**. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни **20 июль – сешанбага** тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил **20 июль** куни Қурбон ҳайити байрами этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ–6122-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ПФ–6222-сон Фармони билан 2021 йил **21–22 июль кунлари ҳам дам олиш кунлари** сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайитини **карантин талабларига амал қилган ҳолда** халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда оила даврасида ўтказиш афзаллиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

**3.** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

**4.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 июль

**ТАҲЛИЛ**

# ЧОРАСИЗНИНГ ЧОРАСИ

## *ёхуд матбуот инқироздан қандай қутулади?*

***Ҳозир мамлакатимиздаги замонавий медиамакон янги ташкилий-технологик жараёнларни шиддат билан бошдан ўтказмоқда. Пировардида XXI аср ўзбек журналистикаси назарияси ва амалиётида ҳам кўплаб ўзгаришлар рўй бермоқда. Давлатимиз раҳбари шу йил 26 июнь куни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, "Мамлакатимиздаги барча сиёсий-ижтимоий институтлар каби Ўзбекистон журналистикаси ҳам ҳозирги рақамли технологиялар даврида янги шаклланиш жараёнини бошидан кечирмоқда.***

***Бугун авлодлар, ижодий мактаблар, анъаналар, тушунча ва тасаввурлар янгиланмоқда. Интернет замони ўз талаб ва қоидаларини илгари сурмоқда. Ана шундай мураккаб ўтиш даврида миллий журналистикамиз илгари кузатилмаган турли синов ва қийинчиликларга ҳам дуч келаётганини эътироф этиш ва уларни биргаликда бартараф қилиш ҳақида ўйлашимиз лозим".***

Шу билан бирга, ўзбек медиамаконининг турли сегментларида ОАВ ва миллий журналистикамизга нисбатан танқидий қарашлар ҳам шаклланмоқда. Буни медиа ҳақидаги назариялар билан медиаиндустриялар фаолияти ўртасида катта тафовут юзага келаётганидан ҳам билиб олиш мумкин. Бундан ташқари, замонавий инсон ҳаёти ва ижтимоий тараққиёт жараёнида рақамли медианинг ўрни ҳам тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Замонавий журналистика ва оммавий ахборот воситалари тарихий трансформациялашув жараёнида турибди. Буюк британиялик таниқли социолог, оммавий коммуникация назариётчиси Дэнис Маккуэйл айтганидек, "ОАВ учта муҳим куч кесишган нуқтада — иқтисод, сиёсат ва технологияларнинг қоқ марказида жойлашган". Амалиётда мана шу учта куч мамлакатимиздаги ОАВ тараққиётига ҳам турли даврларда турлича таъсир этиб келмоқда. Айниқса, буни кейинги ўн йилликларда — янги технологияларнинг кириб келиши, конвергент муҳитнинг пайдо бўлиши жараёнида янада яққолроқ кузатяпмиз. Кўплаб халқаро тадқиқотчи олимлар "Нима учун анъанавий журналистика чуқур инқирозга юз тутди?" деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг фикрича, бу "инқироз" анъанавий ОАВнинг ўзига хос бизнес модели билан боғлиқ. Чунки ҳозир ҳар бир одам хоҳлаган манбадан истаганча ахборот олиш имконига эга. Бунинг устига улар яна барча ахборотни бепул тақдим этади. Аҳолининг эса ахборот учун пул тўлаш мажбурияти кундан-кун камаймоқда. Шунинг учун аудитория ахборот манбаи сифатида газеталар ва ҳатто телевидениега ҳам кам мурожаат қилмоқда. Табиийки, қаерда муштарий, ўқувчи, томошабин, интернет фойдаланувчиси кўп бўлса, реклама ўша ёққа қараб "қочади".

Мамлакатимизда чоп этиб келинаётган газета-журналлар кейинги йилларда бошқа оммавий ахборот воситалари сингари катта ўзгаришларга дуч келди. Ушбу ўзгаришларнинг барчаси ҳам босма нашрлар фойдасига ҳал бўлаётгани йўқ. Лекин шу билан бирга, уларнинг аксарияти давр ва жамиятнинг ажралмас қисмига айланди ва ўқувчиларнинг эҳтиёжини қайсидир маънода қондириб келмоқда. Босма нашрлардаги замонавий ўзгаришлар, аввало, энг янги технологиялардан фаол фойдаланиш жараёнида кўзга ташланмоқда.

2-б.

**ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

# ЯНГИ ҚОНУН — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

***Энди фуқаролар ва юридик шахслар тегишли ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан Конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин***

***Ҳар бир инсон келажакка умид билан яшайди. Ўзи яшаётган жамиятнинг, давлатнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкам қуришга ҳаракат қилади.***

***Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи кунларидан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шунингдек, қонун устуворлигини таъминлашга муҳим вазифа сифатида қараб келинмоқда.Бу борада айниқса, давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда.***

Мамлакатда Конституция ва қонун устуворлигининг қарор топиши, ҳуқуқий давлат асосларининг мутаҳкамланиши, конституциявий қонунийлик таъминланиши учун Конституциянинг барқарорлиги, унинг нормаларига оғишмай риоя қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

2-б.

# МЕРОС ва ИХЛОС

**Бобур мирзо бизнинг авлодларга ғурур билан айтадиган буюк бобомиздир. У Андижонда туғилди, Андижонда камол топди. Мана шундай улуғ аждодларимиз борлиги, улар ўзбек фарзанди эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Миллий ўзлигимизни англашни айни шундан бошлашимиз лозим.**

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

**ЎЗЛИК**

***Муҳтарам Президентимизнинг "Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир" деган сўзлари ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган барча олим ва мутахассислар, тадқиқотчилар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.***

***Бобур номли халқаро жамоат фонди ҳам кўп йиллардан буён ўз имконияти доирасида тақдир тақозоси билан турли давр ва шароитларда четга олиб кетилган ва бугунги кунда хорижий давлатларнинг нуфузли музейлари, фондлари ва илмий-маърифий муассасаларида сақланаётган ноёб қўлёзма ва китоблар, архив ҳужжатлари, осори-атиқаларни ўрганиш, имкон қадар уларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш бўйича хайрли ишлар олиб бормоқда.***

Жумладан, ўтган давр мобайнида фонд томонидан тузилган халқаро илмий экспедиция автомашинада 420 минг километр йўл босиб, 50 дан зиёд мамлакатлар бўйлаб илмий сафарлар уюштирди. Ушбу сафарлар чоғида Ватанимиз тарихи ва маданиятига оид муҳим янгиликлар излаб топилди, бизда мавжуд бўлмаган манбалар қўлга киритилди ва улар Андижон шаҳридаги Бобур боғида ташкил этилган "Бобур ва жаҳон маданияти" китоб музейида мужассамлаштирилди. Китоб музейи экспозициясидан 1000 га яқин нодир қўлёзма асарлар ва китоблар, қимматли манбалар, археологик ва меъморий ёдгорликларнинг намуналари ўрин олди.

Хусусан, "Бобурнома"нинг Ҳиндистондаги "Саларжанг" музейида сақланаётган Ҳайдаробод нусхасидан кўчирма, Бобур мирзо кашф этган "Хатти Бобурий" алифбосида битилган Қуръони карим нусхаси, "Бобур куллиёти"нинг Эрон нусхасидан кўчирма ҳамда "Бобурнома"нинг турли тилларга таржима қилинган 20 дан зиёд қўлёзма нусхалари ва даврий нашрлари музейга файз бағишлаб турибди.

Хориждан олиб келинган қимматли манбаларнинг элликка яқини фонд томонидан таржима ва табдил қилиниб, чоп эттирилди. Харольд Лэмбнинг "Бобур — йўлбарс", Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий", Румер Годеннинг "Гулбадан", Вильям Рашбрукнинг "Ўн олтинчи аср бунёдкори", Хондамирнинг "Буюклик хислати", "Ҳабиб ус-сияр", Фриц Вюртленинг "Бобур — йўлбарс" ("Андижон шаҳзодаси"), Самюэл Беркнинг "Акбар — бобурийларнинг энг буюги", Ирож Аминийнинг "Кўҳинур — Бобурнинг олмоси", Исматуллоҳ Мўъжизийнинг "Таворихи мусиқиюн" асарлари, шунингдек, "Бобурнома"нинг замонавий ўзбек тилига табдили, "Бобурнома миниатюралари", "Бори элга яхшилик қилғил", "Шамолларга учган нидолар", "Тарихларда темурийлар сиймоси", "Бобурийлардан бири" китоблари ва бошқа чоп этилган асарлар шулар жумласидандир.

Ўзбек бобуршуносларининг кейинги йиллардаги изланишлари натижасида юзага келган "Бобур ва Юлий Цезар", "Бобур ҳақида ўйлар", "Асрларни бўйлаган Бобур", "Бобурийнома", "Буюклар изидан", "Андижондан Даккагача", "Андижондан Бағдодгача", "Хорижда бобуршунослик", "Бобурнома" учун қисқача изоҳли луғат", "Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври", "Сўзга айланган қилич", "Буюк соҳибқирон изидан", "Тарихларда темурийлар сиймоси", "Рисолаи Бобурийя" ва бошқа кўплаб асарлар фонд ҳомийлигида нашр қилинди.

3-б.

**АЧЧИҚТОШ**

# "У КИШИ АХБОРОТ ХИЗМАТИДАН ЭКАН..."

***Вилоят миқёсида ўтказилган бир тадбирда вилоятимиз телевидениеси, шаҳар-туман газеталари журналистлари ҳамда ҳокимликларнинг ахборот хизмати ходимлари билан қатнашдик. Барчамиз тадбир жараёнларини кузатиб, маълумотлар тўпладик. Айримлар онлайн ёритишга ҳам улгурди. Тадбир охирлаб, ОАВ вакиллари бир-биримиз билан вилоятдаги ишлар ҳақида суҳбатлашиб турганимизда башанг кийинган, ўқимишлиларга ўхшаб дафтар-ручка ушлаган бир одам суҳбатга қўшилди.***

Барчамиз билан сўрашиб, ҳеч кимга ёқмайдиган сохта мулозамат кўрсатганидан кейин битта хунук тиржайиб олдида, савол берди:

— Сизлар қайси ташкилотдансизлар?

— Вилоятнинг турли газета-журнал журналистларимиз, шу тадбирни ёритиш таклифи киритилган, — дея сураткашимиз Аброр Эсонов ҳаммани бирма-бир бу киши мана бу газетадан, бу киши эса мана бу журналдан деб номма-ном таништира бошлади.

Буларни эшитгач, бизга ҳозирча нотаниш одам вилоятимизда шунча чиқадиган нарсалар бор эканку билмас эканмизда, дея худди "Ўткан кунлар"даги Юсуфбек ҳожининг гапига ўхшатиш қилгандек, давом этди. — Бизнинг тумандаям қайсидир газета чиқарди.

4-б.

**ТАНЛОВ**

***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Кинематография агентлиги, Миллий Ахборот агентлиги — ЎзА, Миллий телерадиокомпания, Бадиий академия, Ўзбекистон "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишланган***

## "Энг улуғ, энг азиз" республика танловини эълон қилади.

Танловга "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган асарлар-материаллар қабул қилинади.

**"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

**— ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**

**— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**

**— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**

**— интернет-журналистика;**

**— тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;**

**— кино санъати асарлари.**

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

***— муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот (объективка);***

***— муаллифнинг паспорт нусхаси;***

***— иш жойидан тавсиянома;***

***— муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.***

**Танловга 2020 йилнинг 1 августидан 2021 йилнинг 1 августигача бўлган даврда эълон қилинган материаллар — асарлар жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.**

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

**Ижодий ишлар "Энг улуғ, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда ўз ижодий йўналишлари бўйича қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 100011. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел: 71 244-37-87.*

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, 100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони. Тел: 71 231-83-49.*

*Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги, 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 1 "А" уй. Тел. 71 277-81-83.*

*Ўзбекистон "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, 100011. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел: 71 244-27-79.*

# ЯНГИ ҚОНУН – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

***Энди фуқаролар ва юридик шахслар тегишли ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан Конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин***

**1-б.** Бу кўп жиҳатдан Конституциявий суд томонидан конституциявий назорат фаолиятининг амалга оширилиши билан боғлиқдир.

Сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Суд ҳокимияти эски даврдаги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиши лозим бўлган, жамиятда адолат тамойилининг қарор топишида нафақат қонун ҳужжатлари тарғиботини, давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида фаолият юритмоқда.

Таъкидлаш жоизки, дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган Янги Ўзбекистонда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан фуқароларнинг одил судловга ишончи ортишига эришиш, суд ҳокимиятининг амалда мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш борасида ислоҳотларнинг янги даврига асос солинди.

Бунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

2021 йилнинг 27 апрель куни давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги янги Конституциявий қонуннинг имзоланиши ва кучга кириши билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятида янги давр бошланди, десак муболаға бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир” маърузасида таъкиланганидек, “Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур.

Бу эса пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, қадр-қиммати, мол-мулкининг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради”. Ушбу вазифалар “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги янги Конституциявий қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишида муҳим омил бўлди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонун 101 моддани ўз ичига олган ўн учта бобдан иборат. Таққослаш учун: аввалги Қонун – 5 боб, 45 моддадан иборат эди. Бу, аввало, мазкур орган фаолиятининг кенгайиши билан боғлиқдир.

Янги қонун Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ва нуфузини ошириш, мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ваколатларини кенгайтириш, уни шакллантириш тартибини янада демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонунда Конституциявий судда иш юритишнинг барча процессуал босқичлари, яъни мурожаатларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ўрганиш, ишни кўриш учун қабул қилиш, суд ишларини юритиш иштирокчилари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд муҳокамаси, суднинг қарорлари, суд мажлисининг баённомаси ва бошқа ҳаракатларни белгиланган мазкур органнинг фаолият кўлами ва нуфузини янада ошириши шубҳасиз.

Шунингдек, Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ҳисобига янада кенгайди.

Конституциявий қонуннинг асосий янгиликларидан бири – фуқаролар ва юридик шахсларга муайян ишда қўлланган қонунга биноан уларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди. Ушбу механизмни жорий этиш Конституциянинг 44-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни ишончли кафолатлашга хизмат қилади. Агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ келмаса ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, фуқаролар ва юридик шахслар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Таъкидлаш жоизки, аввал фуқаролар ва юридик шахсларга бундай ҳуқуқ берилмаган эди. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги янги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида Конституциявий суднинг ролини янада ошириш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Саодат МУҲАМЕДОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти.**

**ХАБАР**

## “Сирдарё ёшлари” радиоси эфирда

***Сирдарё вилоятида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида “Сирдарё ёшлари” маҳаллий радиоканали ташкил этилди.***

Радиоалоқа, радиоэшиттиришлар ва телевидение маркази — “РРТМ” давлат унитар корхонасининг Гулистон радиотелевизион станцияси мутахассислари томонидан зарурий техник қурилмалар ўрнатилиб, “Сирдарё ёшлари” FM 90.6 радиоканали дастурлари синов тариқасида эфирга узатилди.

**Н.ЭРКАБОЕВ.**

**АВВАЛИ**

**Абдулла ҚОДИРИЙ**

# “МУШТУМ” ОҚСОҚЛАНҒАН ЭМИШ

Бу хабар эл оғзида бир-икки ойдан бери юрубдир. “Муштум” нимага ўз вақтида чиқмайдир, “Муштум” мушт едими, нима бўлса-да, “Муштум”ни давом этдириш керак, деган савол ва тилаклар идорага ёмғурдек ёғиб турадир. Ҳар ҳолда савол ва тилакларда “Муштум” каби бир ботирнинг майдондан йўқолмаслиғи керак экани таҳвия ва тавсия этиладир. Йўқ, “Муштум” мушт емади. “Муштум” давомидан тўхтамади, ҳам тўхтамас деган умиддамиз. Лекин масаланинг учи мулла-миржиринг червон алайҳиссаломга бориб тақаладир. “Муштум” ҳукумат ҳисобидан чиқмайдир. Томнинг қорини кураш, сув, ўтун келтириш “Муштум”нинг ўз устига тушкандир. “Муштум” аёлманд бир киши. Ўқувчилар тушунмасдан:

– “Муштум” почча, гоҳ-гоҳ кўриниб туринг, нега кўринмайсиз, сизни ёлғиз топиб бирта-яримта мушт урдими? – дейдилар. Лекин “Муштум” мушт емади. Деҳқонларнинг белини синдирган червонитис “Муштум”нинг ҳам белини синдирди. Чунки “Муштум”нинг эрка ўғли бўлган “Давлат нашриёти” червонитис ейдир. “Муштум”нинг бутун топқан-тутқани “Давлат нашриёти”га бериладир. “Муштум” давом этиб келадир. Яна давом этмакчи. “Муштум”нинг бир душмани бўлса, қаршисида минг дўсти бор. Лекин душмани ишлайдир, тинмайдир: дўсти кўб, лекин бир оз ҳимматсиз эди. Энди кўб ердан: “Биз ҳам душманлардек ҳимматлик бўламиз, журнол сотилганда қимматроқ оламиз”, деб ёздилар. Биз шунга ишониб, у ер-бу ердан қарз хавола қилиб, “Давлат нашриёти”нинг оғзиға уруб “Муштум” ботирни майдонга яна чиқардиқ.

**“Муштум” 1923 йил,**
**12 сон, 2-бет.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***халқимизнинг улуғ адиби Абдулла Қодирийнинг ушбу мақоласи эълон қилинганига ҳам қарийб бир аср бўлибди. Лекин мавзу ҳамон долзарб, гўёки бугунги “Муштум” ҳақида ёзилганга ўхшайди. Минг таассуфки, улуғ боболаримиз ташкил этган шундай тарихий нашрдан бугун дом-дарак йўқ. У ёпилиб кетдими ё яна дунё юзини кўрадими-йўқми, ҳеч ким билмайди.***

***Бир қанча вақт аввал журналга масъул бўлмишлардан “Ҳолингиз не?”, деб қизиққанимизда, “... ҳозир аҳволимиз чатоқ, таҳририят тарқаб кетган, ақчамиз ҳам, жойимиз ҳам йўқ, кўчадамиз. Ҳомий излаяпмиз” дейишган эди.***

***Ажаб ишлар, орадан 98 йил ўтиб “Муштум” тоға бошида мушкул савдолар яна такрорланаётганига қаранг-а!..***

# ЧОРАСИЗНИНГ ЧОРАСИ

***ёхуд матбуот инқироздан қандай қутулади?***

**1-б.** Президентимизнинг соҳа ходимларига йўллаган табригида қайд этилганидек, мамлакатимизда бугунги кунда 1893 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сайтидаги маълумотга кўра, айни пайтда газеталарнинг саноқлисигина ўн мингдан кўпроқ ададда чоп этиляпти. Ҳудудлардаги аксарият газеталарнинг адади эса мингтага ҳам бормайди. Бу эса уларнинг фақат зарарга ишлаётганини кўрсатади.

Кўп мутахассисларнинг фикрича, газеталарнинг ўз анъаналарига бефарқ муносабатда бўлиши доимий муштарийларнинг кетиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Шунга қарамай, ҳозир замонавий нашр деганда, аввало, юқори даражадаги интерактивлик билан медиамаҳсулотларга кириш (ёки уни шарҳ, блог, муаллифлик рукнлари ва бошқалар орқали яратиш) имкониятини берадиган веб-сайтлар тушунилади. Янги медиаплатформалар (ахборот етказувчилар) га веб-сайтлар, журнал ва газеталарнинг iPad версиялари, мобиль (смартфонлар учун) ва бошқа турли иловалар, 3G телевидение, mp3 плеерлар, инфоэкранлар, медиаэкранлар киради.

Янги даврга хос асосий хусусиятлар (ашаддий рақобатчилик, ўзгарувчанлик, ахборот глобаллашуви, рақамлаштириш) таъсирида оммавий ахборот воситаларининг вазифаси ва мазмуни кескин ўзгармоқда. Жумладан, матбуотнинг ҳам асосий хусусиятлари ўзгарди. Оммавий ахборот воситалари тобора кўпроқ универсаллашмоқда. Супер ва интерфаоллик хусусиятларига эга бўлмоқда. Технологик янгиликлар аудиторияга контентни қабул қилиш учун янги (рақамли фото, видео, аудио ва ҳоказо) имкониятларни очиб бермоқда. Матбуотнинг замонавий моделлари ишлаб чиқилмоқда ва амалда қўлланмоқда. Бу ОАВни жамоатчилик билан алоқалар воситаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтига айлантирмоқда.

Ҳозир айнан матбуотда турли ёшдаги ходимлар ишлайди. Таҳририятларнинг ижодий гуруҳлари қисқартирилмоқда. Турли лавозимларни бирлаштиришга мажбур бўлинмоқда. Газеталар реклама бозорида ўз позициясини бой бермоқда. Ҳудудий босма нашрлардаги ходимларнинг ўртача ёши пенсия ёшига яқинлашмоқда. Бу эса консерватизм ва қарор қабул қилишда мослашувчанлик каби тенденцияларни пайдо қилмоқда. Шунинг учун ҳам кўп газеталар бир хил қолипдаги интервьюлар, жанр қоидаларига мос келмайдиган материаллар, одатий ҳисоботлар билан тўлиб тошган.

Алоқа янги турлари (интернет, мобиль контент)нинг тез тарқалиши босма нашрларни реклама бозоридан сиқиб чиқармоқда. Баъзи нашрлар қоғоз вариантини тарк этиб, фақат интернет платформасида қолмоқда.

Босма нашрлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий буюртма ёки давлат гранти кўринишида танловлар ўтказилади. Ижтимоий буюртма учун бирор ташкилот (Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Адлия вазирликлари ва ҳоказо) фондидан маблағ ажратилади. Бундай рағбатлардан аксарият нашрларнинг хабари йўқ. Билганлари ҳам медиалойиҳа ишлаб чиқиб базўр қўлга киритяпти. Баъзи ҳолларда ажратилаётган маблағ жуда кам бўлгани учун нашрлар танловда қатнашмай қўя қолади. Сабаби, тўлдириладиган ҳисоботлар талайгина. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, телевидение учун ажратиладиган пуллар нашрлар грантларидан анча кўп. Шундай нуқтаи назар баъзи “гигант” ва оддий нашрлар орасида ҳам кузатилади. Бу ҳолатдан айрим журналистларда норозилик кайфияти уйғонмоқда.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларининг ҳолати тўғрисидаги ўтган йилги ҳисоботига кўра, мамлакатимиздаги босма оммавий ахборот воситалари бозори чуқур инқироз ҳолатида. Босма нашрлар муштарийлари фаоллиги кескин пасайган. Бунинг оқибатида “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент” газеталари, “Жажжи академик” журнали каби ўнлаб нашрлар фаолиятини тўхтатган.

Шу ўринда оммавий ахборот воситалари ва ҳокимият ўртасидаги ҳамкорликнинг номувофиқ шакллари ҳақида ҳам гапириш мумкин. Оммавий ахборот воситалари ҳокимият томонидан қўйилаётган “ўйин қоидалари”га риоя этишга мажбур қилинмоқда. Баъзи мавзуларга табу қўйиш, сиёсий жиҳатдан ўзини ўзи цензура қилишдан ўзга чораси қолмаяпти. ОАВ бир томондан жамиятдаги сиёсий плюрализм ва ахборот бозоридаги эркин рақобат шароитида фаолият юритади. Бошқа томондан улар ҳокимият органларига жуда боғлиқ, яъни ҳокимият қўл остидаги корхоналарга айланиб қолган. Нашр саҳифалари кўпинча расмий ҳужжатлар, ҳисоботлар, шаблон суҳбатлар билан тўлдирилади. Буни кўпроқ ижтимоий-сиёсий газеталар саҳифаларида учратиш мумкин.

Сўнгги пайтларда кўпгина таҳририятлар QR кодлардан фойдаланмоқда. Масалан, “Янги Ўзбекистон”, “Халқ сўзи”, “Правда Востока”, “Народное слово”, “Hurriyat”, “Ўзбекистон овози”, “Маҳалла”, “Нуроний”, “Зарафшон”, “Дўстлик байроғи”, “Фарғона ҳақиқати” ва бошқалар бу технологияни самарали қўлламоқда.

Жаҳон амалиётида бепул газеталар ҳисобига босма нашрларни сақлаб қолишга уриниш кузатилмоқда. Ёки ОАВни қўллаб-қувватлаш учун ихтиёрий солиқ йиғимлари жорий қилинган бир пайтда бизда “газета керакмас” деган иддаоларни ҳам илгари сурилмоқда. “The Washington Post”, “Chicago Tribune”, “Chicago Sun-Times” ва “The Dallas Morning News” ҳам бундай ғоядан четда қолиб кетмади. Улар газеталарни текин тарқатиш йўли билан рақобатчиларни енгиш ва ёшларни газета мутолаасига қайтаришга уринмоқда. Қолаверса, ёшлар аудиториясини жамлаш орқасидан янги реклама берувчи ҳамкорларни топиш ниҳоятда муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу ўринда хорижий нашрларнинг, хусусан, замонавий Америка оммавий ахборот воситаларининг ривожланишини белгилайдиган ва муқаррар равишда бутун дунёга таъсир кўрсатадиган асосий тенденциялар мавжуд. Улар қуйидагича:

Биринчидан, асосий эътиборни алгоритм ва маълумотларга қаратиш. Яъни ҳар қандай замонавий медиа янгиликлар бўлимининг асосий таркибий қисми жонли экранда айланаётган, сайтларга кираётган аудиториянинг кўрсаткичи ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам газеталарда рақамларга ҳарфлардан кам эътибор берилмайди.

Баъзи таҳририятлар ушбу рақамларнинг барчасини кўриб чиқиб, уни қайта ишлаб, қонуниятларни шакллантирадиган махсус таҳлилчиларни ёллайди. Масалан, улар фалон сарлавҳа яхшироқ чиқибди ё манави материал ҳеч қандай таъсир кучига эга эмас, шунинг учун муаллифини бемалол ишдан бўшатиш мумкин қабилида маслаҳатлар беради.

Иккинчидан, таҳририятларда асосий вазифаси аудиторияни кенг жалб этиш билан шуғулланадиган одамлар пайдо бўлмоқда. Тўғри, бу вазифани баъзи таҳририятлар ҳозир ҳам эски тартиб бўйича журналистларнинг ўзига юкламоқда. Лекин аста-секинлик билан бўлса-да, бу энди етарли эмаслиги барчага аён бўлмоқда. “The Washington Post” газетасида аудиторияни кенг жалб этиш учун ўнлаб мутахассислар ишлайди. Уларнинг асосий вазифаси — журналистларга ижтимоий тармоқлардаги ҳикоя сюжетларини қандай тарзда тақдим этиш ёки истеҳзо ва кесатиқ шарҳларга қандай жавоб бериш ҳақида маслаҳатлардан иборат.

Америкалик медиаменежерлар ўқувчиларни жалб қилиш замонавий оммавий ахборот воситалари учун энг асосий муаммо эканини ва буни фақат яхши таҳлил-мазмун бериш билангина ҳал этиш мумкинлигини англади. Ушбу таҳлил-мазмунни “сотиш” ва унинг истеъмолчиси билан фаол мулоқотга киришиш талаб этилади.

Шу каби эҳтиёжлар янги-янги формат (шакл)ларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Масалан, “USA Today” таҳририяти ўзининг ҳатто ишлаб чиқаришга доир йиғинларини ҳам видеотасвирга олмоқда. Сўнг ушбу видеони материал билан бир вақтнинг ўзида тармоқларга жойлаштиради. Таҳририят бу билан қарорларни қабул қилишда шаффофликка амал қилаётганини кўрсатади ва минглаб синчков ўқувчи (томошабин)ларни жалб қилади.

Учинчидан, меҳнат бозори тобора ўзининг шахсий аудиториясига эга бўлганларни қадрламоқда. АҚШ газеталарига энди “олтин қалам” эгалари (улар ўзи шундоқ ҳам кўп) керак бўлмай қоляпти. Машҳур интернет тадбиркори ва amazon.com асосчиси, миллиардер Жефф Безос 2013 йилда “The Washington Post”ни сотиб олганида, у киритган ўзгартиришлардан бири бу газетачиликда тажрибаси бўлмаган, аммо ижтимоий тармоқларда ўн минглаб обуначилари бўлган одамларни ишга ёллаш бўлди. Газета аудиторияси ана шу кичик-кичик аудиториялар ҳисобига дарров кўтарилди.

“The Washinton Post”нинг бошқарувчи муҳаррири Эмилио Гарсия-Руйсдан “Газетангизга “олтин қалам” соҳиби ёки твиттерда олти-етти минг обуначиси бўлган “рақамли йигитча”ни ишга олиш танлови қўйилса, кимни танлаган бўлардингиз?” деб сўрашганида “АҚШ меҳнат бозори шундоқ ҳам “олтин қалам” эгалари билан тўлиб тошган. Биз рақамли аудиториямизни кенгайтиришимиз керак”, деб жавоб берган эди.

Хулоса: газеталаримизда чуқур таҳлилий материаллар етишмаяпти. Жанрлардаги бир хиллик, ҳокимият манфаатларига таъсир қиладиган муаммоли, таҳлилий, танқидий материалларнинг жуда камлиги, шунингдек, журналистларнинг касбий маҳорати пастлиги, матбаа сифати ҳаминқадарлиги, газеталарнинг тартибсиз нашр этилиши муштарийлар аудиториясини ўзидан узоқлаштиряпти.

Шу боис, янги медиа муҳитида матбуот ўзига хос ўрнини топиши, бозорнинг муҳим сегменти экани, ҳокимият ва жамият ўртасидаги ўзаро кўприкка айланиши айни пайтда жуда муҳим.

**Акбар НУРМАТОВ,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети доценти, филология фанлари номзоди.**

# МЕРОС ва ИХЛОС

**1-6.** Яна мақолада шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, халқаро экспедицияларимиз давомида маданий бойликларимиз бўлган, буюк аждодларимиз мангу қўним топган масканларни топишга муваффақ бўлдик. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Ал-Фаробий, Хисрав Деҳлавий, Мавлоно Лутфий, Али Қушчи, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Боборахим Машраб каби буюк сиймоларнинг сўнгги манзиллари зиёрат қилинди ва уларнинг ҳозирги кундаги ҳолати ўрганилди. Натижада эса афғон юртида қаровсиз қолиб, деярли харобага айланган Мавлоно Лутфий, қисман Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Боборахим Машраб каби буюк аждодларимизнинг қабр-мақбаралари шарқона услуб асосида, бугунги кун талаби даражасида ободонлаштирилиб, зиёратгоҳларга айлантирилди ва айлантирилмоқда. Шунингдек, Абу Райҳон Берунийнинг Ғазнадаги, Ал Фаробийнинг Дамашқдаги, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг Кашмир вилоятидаги, Али Қушчининг Истанбул шаҳридаги қабрларини ҳам обод этиш лойиҳалари режалаштирилмоқда.

Фонд низомида белгиланган вазифаларни бажариш жараёнида Ғарб ва Шарқ бобуршуносларининг алоқалари мустаҳкамланди. Хусусан, ўтган йиллар давомида фонднинг Қирғизистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Озарбайжон, Туркия, Япония, Германия, Миср, Швеция, Россия каби ўндан зиёд давлатларда Бобур номли халқаро жамоат фондининг ижтимоий бўлимлари очилди. Уларнинг ёрдами билан Бобур ва бобурийлар, темурийлар ва бошқа буюк аждодларимизга тегишли бўлган қўлёзмалар ва ноёб китобларни юртимизга олиб келиш имконияти янада кенгайди.

Хорижда ва Ўзбекистонда бобуршунослик ривожига катта ҳисса қўшаётган олим ва ижодкорларни рағбатлантириш мақсадида фонд томонидан Бобур Халқаро мукофоти таъсис этилган. Ҳозиргача ушбу мукофотга 20 нафардан зиёд бобуршунослар сазовор бўлди. Улар орасида япониялик таниқли олим Эйжи Мано, америкалик бобуршунос Уилер Текстон, германиялик Клаус Шонинг, озарбайжонлик Рамиз Аскер, афғонистонлик Шафиқа Ёрқин, республикамиздан таниқли олимлардан Азизхон Қаюмов, Сабоҳат Азимжонова, Абдулла Аъзамов, Саидбек Ҳасанов, Сайфиддин Жалилов, Ваҳоб Раҳмонов ҳамда Пиримқул Қодиров, Хайриддин Султонов, Сирожиддин Саййид, Омина Тожибоева каби адиб ва шоирлар бор.

Туркиялик таниқли профессор, Бобур халқаро мукофоти совриндори Билол Южел томонидан шоҳ ва шоир бобомизнинг Париж миллий кутубхонаси, Истанбул университети, Тўпқопи саройи, Ревандва Рампур кутубхоналарида сақланаётган шеърий қўлёзмалари асосида мукаммал девони яратилганини кейинги йилларда бобуршуносликда эришилган улкан ютуқлардан бири сифатида эътироф этсак арзийди.

Россия Фанлар академиясининг тилшунослик институти ҳамда Бобур номли халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида таниқли турколог олима, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Анна Владимировна Дыбо ва арабшунос, ҳамюртимиз Шокирхон Рустамхўжаев ҳаммуаллифлигидаги "Захириддин Мухаммад Бабур. Бабуриды. Библиография" китоби, шунингдек, фондимиз томонидан тарихда биринчи бор "Бобур энциклопедияси" яратилгани ва икки марта нашр (2014, 2017 йиллар) этилгани, ҳеч шубҳасиз, жаҳон бобуршунослик фани ривожидаги муҳим маданий воқеалардан бири бўлди.

Маълумки, бундан икки йил муқаддам муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифи давомида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам бўлиб, "Бобур ва жаҳон маданияти" китоб музейи билан батафсил танишган эдилар. Ушбу китоб музейини янада кенгайтириш ва Бобур боғини жаҳон андозалари даражасида таъмирлаш, уни республика мақомидаги масканга айлантириш, шоирнинг рамзий қабр-мақбарасини обод қилиш юзасидан зарур топшириқлар, қимматли маслаҳатлар берган эди.

Ўтган қисқа вақт ичида бу борада кўплаб амалий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Бобур боғи, улуғ аждодимизнинг рамзий қабр-мақбараси, китоб музейи ва бошқа маданий иншоотлар реконструкция қилиниб, боғ ҳудуди янада ободонлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилдаги қарори билан Андижон вилоятидан фақатгина Бобур боғи халқаро туризм маршрутига киритилган. Ҳозирги кунда ушбу масканда "Маънавият маркази", "Бобур ва жаҳон маданияти", "Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи" музейлари, обсерватория, кутубхона, спорт комплекслари маънавият ўчоғи сифатида фаолият олиб бориб, ёшларимизга темурийлар ва бобурийлар тарихини ўрганиш, шунингдек, уларнинг маънавий дунёқарашини ўстиришда баҳоли-қудрат хизмат қилиб келмоқда. Бу жойда фонд ташаббуси билан қатор халқаро илмий конференция ва семинарлар, турли учрашув ва маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтади.

Ўтган даврда олиб борилган илмий-ижодий изланишлар давомида Бобур халқаро илмий экспедицияси жаҳондаги кўплаб фондларда юртимизнинг уч минг йиллик тарихига, хусусан, бақтрийлар, сўғдийлар, кушонлар, қорахонийлар, ангуштегинлар ва хонликлар даврларидан бошлаб то чор Россияси ҳукмронлиги даврига ва ундан кейинги замонларга оид қўлёзма, тошбосма ҳамда тошбитиклар, санъат асарлари, тарихий ёдгорлик намуналарига дуч келди. Бобур номли халқаро жамоат фонди бу борада мамлакатимиздаги ва чет эллардаги барча манфаатдор илмий ташкилот ва муассасалар, янги ташкил қилинган биринчи навбатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий таълим вазирлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Шу ўринда фонд олдида катта вазифалар турганини ва улар бизнинг келгусидаги иш режаларимизга киритилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Масалан, "Бобурнома"нинг 18 йиллик воқеалар акс этган саҳифалари йўқолган бўлиб, уларнинг тақдири бизга ҳозирга қадар маълум эмас. Шунингдек, Бобурнинг "Ҳарб иши", "Мусиқа сирлари", "Қофия" асарлари, Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома" асарининг бир қисми ҳам бугунгунга қадар топилмаган. Бу нодир маънавий бойликларни излаб топиб, халқимизга, илмий жамоатчиликка етказиш биринчи галдаги вазифаларимиздан ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майда қабул қилинган "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Ана шу тарихий ҳужжатга асосан ҳозирги кунда буюк аждодларимиз қолдирган илмий-ижодий мерос намуналарининг нусхаларини Ватанимизга олиб келиш имкониятлари янада кенгаймоқда.

Мамлакатимиздаги етук бобуршунос олимлар иштирокида 2021-2022 йиллар давомида амалга оширилаётган энг муҳим ишларимиздан бири бу – Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедиясининг ўзбек тилидаги 3-нашрини ҳамда унинг рус ва инглиз тилларидаги нашрларини чоп эттиришнинг режалаштирилганлигидир. Энциклопедиянинг ушбу 3-нашрига бош муҳаррир сифатида филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев, муҳаррир ўринбосари сифатида тарих фанлари доктори, профессор Абдумажид Мадраимовлар тайинланган.

Энциклопедиянинг рус ва инглиз тилларидаги нашрларини тайёрлашга Андижон давлат университетининг рус ва инглиз тили факультетининг малакали мутахассислари билан шартномалар тузилиб, амалий ишлар олиб борилди. Айни пайтда эса филология фанлари доктори, профессор Шухрат Сирожиддинов энциклопедиянинг инглиз тилидаги нашрини таҳрир қилиб, нашр эттишга тайёрламоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, матншунос олим Ваҳоб Раҳмонов эса энциклопедиянинг рус тилидаги вариантини рус тили мутахассиси Анна Иванова билан ҳамкорликда таҳрир қилмоқда.

Таниқли шоир, ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мирзо Кенжабек Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 6 жилддан иборат бўлган танланган асарлар тўплами — Куллиётни нашр қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб бормоқда. Иншааллоҳ, 2022 йил якунига бориб Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедиясининг ўзбек тилидаги 3-нашри ҳамда унинг рус ва инглиз тилидаги нусхалари тайёр бўлади, зиёли ўқувчи ва олимларимизга етиб бориб, илмий истеъмолга киритилади.

Демак, ота-боболаримизнинг қутлуғ қадами етган ёки етмаган жойларга уларнинг бебаҳо илмий кашфиётлари, адабий-бадиий, дунёвий ва диний санъат асарлари етиб боргани тўғрисида мен илгари ҳам кўп марта чиқишлар қилганман, мақола ва суҳбатларимизда бу ҳақда махсус тўхталиб ҳам ўтганман. Шу боис ўзимнинг қуйидаги амалий таклифларимни билдириб ўтмоқчиман:

**Биринчи таклиф** шундан иборатки, Президентимиз ташаббуси билан катта харажат ва ҳаракатлар натижасида юртимизга қайтариладиган маданий бойликлар фақат мутахассислар, илмий-тадқиқот муассасалари доирасида қолиб кетмасдан, балки улардан халқимиз, кенг жамоатчилик, ёшларимиз ҳам баҳраманд бўлсин.

Бунинг учун энг замонавий усул ва воситалардан фойдаланишимиз талаб этилади. Жумладан, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид хориждаги маданий бойликлар ҳақида илмий-оммабоп кўрсатув, ҳужжатли фильм, мақолалар ва тезислар тайёрлаб, оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали кенг жамоатчиликка етказиш; улар ҳақидаги библиографик тўпламлар, китоб-альбомлар ва бошқа матбаа маҳсулотларини турли тилларда нашр этиб бориш, мунтазам равишда махсус кўргазмалар, илмий семинар ва тренинглар ўтказиб туриш зарур.

**Иккинчи таклиф** қадимий ёзма манбалар билан ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш масаласига оиддир.

Хитой Халқ Республикасининг Ёркент шаҳридаги Султон Саидхон мақбараси зиёратида.

Хўш, бугун мамлакатимизда, айтайлик, сўғд ёзувини ўқий оладиган қанча мутахассис бор? Аниқки, улар жуда саноқли. Кўҳна ва бой тарихимиз акс этган бошқа минглаб манбалардаги битикларни ўқийдиган ва бу ҳақда илмий хулосалар бера оладиган кадрларимиз етарлими? Етарли бўлса, нима учун Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 25 мингта қўлёзма, 40 мингдан зиёд тошбосма, 5 мингдан ортиқ тарихий ҳужжатлар – жами 300 мингдан зиёд асарларнинг аксарияти ҳамон ўз тадқиқотчисини, таржимонини, ноширини, аудиториясини кутиб турибди?

Мен бу масалага вазирлик ва идоралар, олим ва тадқиқотчилар, зиёлилар — барчамиз биргаликда ечим топишимиз тарафдориман.

**Учинчи таклиф** шуки, чет элларда сақланаётган юртимизга оид тарихий экспонатлар, осори-атиқаларни ўрганиш, уларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини мамлакатимизга олиб келиш бўйича хорижда сақланаётган намуналар библиографиясини тузиш лозим. Айни шу мақсадда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хорижий давлатлардаги элчихоналаримизнинг имкониятидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур мавзуси юзасидан айрим тарихий асарларни қайтадан мутолаа қилишга тўғри келди. Ўқиб ўрганиш жараёнида Мир Алишер Навоий ҳақида ҳам янги маълумотлар олинди.

Бобур мирзо ёзади: *"Андижон эли туркдур. Шаҳри ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннофоти, бовужудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур"* (Бобурнома 2002 й. 34-бет).

Алишер Навоий ва Бобур мирзо бир даврда яшаб ижод қилишганлиги бизга маълум. Бобурнинг "Бобурнома" асарининг ярим саҳифалари йўқолган бўлиб, ушбу саҳифаларда, унинг Андижонда таваллуд топгани билан боғлиқ маълумотлар бўлиши мумкин эди. Маълумки, "Бобурнома" ва бошқа тарихий манбаларда Алишер Навоийнинг боболари Соҳибқирон Амир Темур хонадонларида садоқат билан хизмат қилгани қайд этилган.

Яна мумтоз муаррихлар Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъи Саъдайн" ва Мирхонднинг "Равзат ус-сафо" асарларида келтирилишича, Алишер Навоийнинг бобоси Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх мирзо билан эмиқдош-кўкалдош бўлганлиги ҳақида аниқ эслатма бор.

Таниқли олимлар Сабоҳат Азимжонова ва Азиз Қаюмовлар ўзларининг "К истории Ферганы второй половины XV века" (Ташкент, 1957 г.) ва "Заҳириддин Муҳаммад Бобур" (Тошкент, 2008 й.), "Бобур даврида Андижон адабий муҳити" (Тошкент. 2009 й.) номли асарларида Умаршайх ва Бобурнинг пойтахт шаҳар Андижонда яшаган даврини, уларнинг сиёсий ва ҳарбий фаолиятини ёритиб, Андижон адабий-маданий муҳити тўғрисида ўша даврдаги шаҳарсозлик маданиятига хос бўлган қимматли маълумотларни ҳам битганлар. Академик Азиз Қаюмов бу ҳақида "Бобурнома" ва бобурийларга оид бошқа асарларда ҳам кўрсатилишича, ҳар бир саводли хонадонда Алишер Навоийнинг шеърлари эски ўзбек-туркий тилнинг Андижон лаҳжасида ёзилганини қайд этган ва улар шу билан фахрланар эди. Бундай хонадонлар Андижонда жуда кўп бўлган. Яна ўз даврининг машҳур мусиқа устаси бўлган Хожа Юсуфийнинг худди Алишер Навоийдек андижонлик эканини ғурур билан тилга олиб, бу билан ҳамма мағрурланганлиги ҳақида айтилган.

Таниқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Шухрат Сирожиддинов жорий йилнинг бошида (https://ia-centr.ru/publications/k-voprosu-kakoe-otnoshenie-imeet-alisher-navoi-k-uzbekistanu-i-gde-ego-rodina-chast-2/) интернет тармоғида эълон қилинган "К вопросу: какое отношение имеет Алишер Навои к Узбекистану и где его Родина? ("Алишер Навоийнинг Ўзбекистонга қандай алоқаси бор, унинг Ватани қаерда? масаласига оид") номли мақоласида Алишер Навоийнинг Ҳиротда таваллуд топмаганлигини ва бу бирор ишончли манбада ёзилмаганлигини қайд этиб ўтган. Олим улуғ шоирнинг барча асарлари соф Андижон шевасида битилганлигини алоҳида таъкидлаган.

Мен Афғонистон Ислом республикасининг Ҳирот шаҳрида кўп маротаба бўлиб, ундаги кутубхона, музей, шунингдек, университет каби маърифий масканларнинг мутахассислари билан бу мавзуда кўп бора суҳбатлашдим. Суҳбатларимиз натижаси шуни кўрсатдики, уларда ҳам Алишер Навоийнинг Ҳиротда туғилганлиги тўғрисида аниқ бир маълумот йўқ. Алишер Навоий ўзининг "Вақфия" асарида ота-боболарининг темурийлар, хусусан, унинг отаси Бойқаро саройида юқори мавқеларда хизмат қилганлиги борасида хабарлар битган. "Агарчи бу хоксорнинг ота-бобоси ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро) нинг бобо ва аждоди хизматларидаким, ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари эрдилар — улуғ маротибга сазовор ва бийик маносибга комгор бўлғон эрдилар".

Соҳибқирон Амир Темур ўғли Умаршайх мирзо Андижон ҳукмдори бўлиб турган даврдаги пойтахт Андижоннинг машҳур кишиларидан бири Хизр ўғлоннинг қизи Мулкат Оғага уйланган. Улар Искандар ва Бойқаро исмли ўғил фарзандлар кўришган. Биз юқорида кўрсатганимиздек, Алишер Навоий ўзининг "Вақфия" асарида ота-боболарининг Амир Темурнинг набираси Андижондаги Бойқаро саройида олий мансабларда хизмат қилганини ёзади. Бу эса Алишер Навоий ва Бойқароларнинг мазкур олий даргоҳда туғилиб, ота-она бағрида, оила даврасида камол топиб, тили Андижон шевасида чиқиб, Андижон шевасига хос шаклланганлигини аниқ кўрсатиб бермоқда.

Қирғизистоннинг таниқли адиби Бегижон Аҳмедов ҳам ўзининг "Тафаккур бўстони" китобида ушбу масала юзасидан қуйидаги изоҳларни келтириб ўтади.

Биринчидан, Алишер Навоий ота-боболарининг келиб чиқиши асли пойтахт Андижонга жуда яқин ҳудуд бўлган Аравон шаҳридан бўлганлигини, иккинчидан, Алишернинг Андижонда таҳсил олганлигини, учинчидан, у Юсуф Андижоний, Юсуф Сафовий, Қиёмиддин Тавғач сингари толиби илмлар билан бирга сабоқ олганлигини ва тўртинчидан эса улуғ Навоий ўзининг дурдона асарларини Андижон шевасида ёзганлигини, тарихдан маълумлигини таъкидлаб ўтади.

Демак, Бегижон Аҳмедов ўзининг ушбу маълумотларини ЎзРФА мухбир аъзоси, навоийшунос олим риштонлик Боқий домла ҳам илмий хулосаларига қўшимча сифатида келтирганлигини ёзган ("Тафаккур Бўстони". 2015 й.).

Аммо адолат нуқтаи назаридан баҳоласак, Алишер Навоийнинг ота-боболари эмиқдош-кўкалдош бўлиб, гўё яқин қариндошлардек Андижонга келган. Бу эса ўз навбатида Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Умаршайх мирзо билан бир саройда яшаганини кўрсатмоқда.

Одатда, гўдакнинг тили у улғаяётган муҳит ҳамда ота-онанинг оғзаки нутқига, ўзаро сўзлашиш маданиятига қараб шаклланади. Бола Алишернинг оиласидаги юксак маънавий муҳит унинг ёшлигидан адабиёт ва санъатга жуда эрта меҳр қўйганлигини давримизнинг зиёли кишилари яхши билади.

Юқорида биз тилга олган ишончли манбаларга таяниб, ғурур ва ифтихор туйғуси билан шуни алоҳида айтиш мумкинки, қадимдан дунё тамаддунига юксак маданий кўтарилиши билан ҳисса қўшган фозил шаҳар Андижоннинг адабий, маданий ва илмий муҳитида кўз очиб, дунёни илк бора таниб, тарбияланган буюк аждодларимиздан бири Мирзо Бобур бўлса, яна бири эса улуғ мутафаккир Алишер Навоий бобомиздир.

Тўғри, тарихда Ҳирот Амир Темур давлати бошқарувида бўлган Хуросон давлатининг пойтахти ҳисобланган, ҳозирда эса улар Афғонистон Ислом республикаси ҳудудидаги машҳур шаҳарларга айланган Ҳирот ва Кобулда ижод қилишган, шунингдек, ўз ижодлари билан дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган ҳар бир зиёли инсон томонидан эътироф этилиши, фахр туйғуларини уйғотиши табиий. Уларнинг улуғ сиймоси асрлар оша халқимиз хотирасида ҳам муҳрланиб қолгани бори ҳақиқатдир.

Демак, адабиётшунос, шарқшунос, тарихчи олимларимиз учун илмий изланишлар олиб боришга арзийдиган ишлардан бири Алишер Навоий таржимаи ҳолини янги маълумотлар билан бойитишдир. Бу борада эса қатор омиллар Андижонда етарлидек.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Умаршайх мирзо ва унинг ўғиллари Искандар, Бойқаро, Саид Аҳмад мирзолар ва Мироншоҳ мирзонинг авлодларидан бўлган Султон Абусаид мирзонинг ўғли Умаршайх мирзо ва унинг ўғли Бобур мирзолар пойтахт Андижонда туриб, 130 йил, яъни ҳокимият Шайбонийлар қўлига ўтгунга қадар фармонбардорлик қилиб келишган.

Хуллас, Алишер Навоийнинг Бойқаро ҳазратларининг саройида Андижон шаҳрида туғилиб, вояга етиб, Андижон шевасида ота-онанинг таъсирида тили йиллар давомида шаклланганлигини аниқ кўрсатиб, у 10-12 ёшларга кириб қолган даврда ўша маҳалда тинч ўлка бўлган Ҳирот шаҳрига кўчиб борганлиги бори ҳақиқатдир.

Телефон орқали бўлиб ўтган суҳбатларимизнинг бирида мен даҳо шоир Навоийнинг Андижонда таваллуд топганлиги, бу ерда маълум муддат яшаганлиги хусусида таниқли навоийшунос олим, профессор Шухрат Сирожиддиновга мурожаат қилган эдим, шунда у: "Зокиржон ака, шундай бўлиши мумкин, мен бугун хорижга учиб кетаётибман, келганимдан кейин сизга албатта қўнғироқ қиламан, фикрлашамиз", деган жавобни айтган эди.

Биз эса маълум муддатгача кутдик. Шундан сўнг тарих фанлари доктори, профессор Боқижон Матбобоев ва таниқли матншунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ваҳоб Раҳмоновлар билан "Фарғона водийсида Бобур қурдирган мақбара топилди" деб номланган мақоламизни "Бобур ва дунё" журналида нашр қилдик ҳамда ушбу нашрда юқорида биз келтирилган ишончли манбалар асосида Алишер Навоийнинг туғилган жойи билан боғлиқ масала ҳам ёритилган эди. Аммо бироз вақт ўтиб, Шухрат Сирожиддинов "Маънавий ҳаёт" журналининг 2019 йилги 2-сонида "Навоий Ҳиротда туғилган...ми?" деган мақоласини чоп эттирди. Ҳатто навоийшунос олим мазкур мақолада Хўжанд университети (Тожикистон)нинг профессори А.Абдусаломовга (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) Хондамирнинг "Равзат ус-сафо" асарининг шаҳарлар таърифи қисмидаги Навоийнинг Сова шаҳрида туғилганлигига оид маълумотга эътиборини қаратганлиги учун алоҳида миннатдорчилик билдирган. Ушбу масалада муаллиф Навоийни Эрон давлатининг Сова шаҳрида туғилганлигини таъкидламоқда.

Подшоҳ Бобур муҳташам "Бобурнома" асарида Андижон аҳолиси Алишер Навоий асарлари тилида сўзлашганини ёзиб, шу билан бирга улуғ шоирнинг она тили Андижон шевасига рост келишини таъкидлайди.

Профессор Шухрат Сирожиддиновнинг Султон Ҳусайн Бойқаро ва Навоий оилалари кўп йиллар оралиғида Кобулда яшаганликлари ҳақидаги фикри кишида қизиқиш уйғотади. Шу қизиқишимиз билан Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий Кобулда туғилганлигини тахмин қилиш ҳам мумкин ёки Навоий билан боғлиқ ҳеч бир манбаларда у айнан Ҳиротда дунёга келгани айтилмаган деб тушунтириш беради олим.

Шундай экан олимнинг интернет тармоғида берган маълумотига кўра, Алишер Навоий Кобулда туғилган.

Қизиғи шундаки, ҳурматли профессор Шухрат Сирожиддинов кейинги 1-2 йил ичида Алишер Навоийни гоҳ Андижонда, гоҳ Эрон давлатининг Сова шаҳрида, гоҳ Кобулда туғилганлигини эълон қилиб келмоқда.

Қирғизистонлик муаллифларнинг ёзишича, Соҳибқирон АмирТемурнинг ўғли Шоҳруҳ мирзо пойтахтни Ҳиротга кўчиргач, икки минг ҳарбий суворийни пойтахт Самарқанддан пойтахт Ҳиротга чақириб олган. Чақириб олинган харбий суворийлар орасида эса Исомиддин Полвон ҳам бор эди. Ҳиротга етиб борилгач, ҳукмдор Шоҳруҳ мирзо Исомиддин Полвонни лашкарбоши Амир Буғанинг Шаҳрибону исмли гўзал қизига уйлантирган. Улар ўғил фарзанд кўришиб, болага Ғиёсиддин исмини қўйган. Ғиёсиддин кичкина (полвон) вояга етгач, машҳур ҳарбий саркарда Абу Саъид Чангнинг қизи Ҳалимабонуга уйланади ва уларнинг никоҳидан оламга машҳур даҳо сўз санъаткори Низомиддин Амир Алишер Навоий туғилади.

Бобур мирзо "Бобурнома" асарини ёзишини тахтга ўтиргач, яъни 12 ёшидан бошлаган бўлиб, Алишер Навоийнинг Андижонда яшаган даври ёзилмаган бўлиши мумкин деган тушунча келиб чиқади.

Юқорида биз келтириб ўтган маълумот ва изоҳларга боғлиқ ўринлар бор. Чунки, одатда, боланинг тили (шеваси), у улғайган оила муҳитида, ота - онасининг оғзаки нутқига, сўзлашишига қараб шаклланади. Агар ушбу масалага шу нуқтаи назардан қарасак, Ҳазрати Мир Алишер Навоийнинг тили андижонликларнинг шевасига — бугунги адабий тилига айнан мос келади.

Маълумки, Афғонистон Ислом давлатининг асосий халқи пуштун миллатидан иборат бўлиб, ўзбек-туркийзабон халқларига нисбатан яхши муносабатда, муомалада бўлмаган. Шунинг учун ҳам ўша даврда дафн этилган буюк аждодларимиз Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро каби буюк сиймоларнинг қабрлари вафот этганидан кейин ҳам қайта очилган, ўрганилган. Андижон шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли миллий истироҳат боғидаги "Бобур ва жаҳон маданияти" китоб музейида мавжуд Ҳирот ва Афғонистон тарихи билан боғлиқ китобларда ҳам мутахассисларнинг фикрига кўра, Алишер Навоий ҳақида бир жумла ҳам қайд қилинмаган.

Навоий туғилган маскан билан боғлиқ хулосамиз шуки, юқорида келтирилган фикрларнинг исботи сифатида яқинда мен суҳбат қурган бир гуруҳ эронлик ва афғонистонлик олимларнинг фикрларига асосан шуни ишонч билан айта оламанки, Алишер Навоийнинг Эрон ва Кобул атрофидаги шаҳарларидан бирида туғилганлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Фондимиз амалга оширган айрим ишлар давлатимиз раҳбари томонидан эътироф қилинган бўлиб, унда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларини ёдга оламиз: *"Навоий ва Бобур ижодий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича катта-катта ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум. Афғонистондаги қонли уруш туфайли Алишер Навоий бобомизнинг вайрона бўлиб ётган қабр-мақбарасини тиклаш ва обод қилиш мақсадида Бобур номли халқаро жамоат фонди аъзоларининг мамлакатимиздаги тегишли ташкилотлар кўмагида ўтган йили Андижондан Ҳирот шаҳрига 2150 туп манзарали дарахт кўчатларини олиб бориб, мақбаралар атрофига эккани ҳамда у жойда улкан ишларни бажариб қайтганидан, ўйлайманки, сизлар ҳам албатта хабардорсиз. Шу билан бирга Зокиржон Машрабов Алишер Навоийнинг устози Мавлоно Лутфий ва машҳур мусаввир Беҳзод ҳазратларининг харобага айланган, аянчли ҳолатдаги қабр-мақбараларини қайтадан тиклаб, зиёратгоҳларга айлантирди. Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак деган сўзларни ўзига шиор қилиб яшаётган бу фидойи инсонга, келинглар, ҳаммамиз биргаликда янги куч-ғайрат, узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилайлик. Ҳозирги Афғонистондаги ҳолатдан келиб чиқиб, Алишер Навоий қабр-мақбарасини қайта бугунги кун талабидагидек тиклаш ҳақида Бобур номли халқаро жамоат фонди олиб бораётган ишларни маъқуллаймиз ва яқин кунларда Навоийдек буюк сиймо мақбарасини жаҳон андозалари даражасидаги машҳур зиёратгоҳга айлантириш лозим бўлиб, бу буюк сиймо мангу қўним топган боғни Алишер Навоий номи билан аталиши мақсадга мувофиқ бўлади, деган умиддамиз".*

**Зокиржон МАШРАБОВ,**
**Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, табиатшунос олим.**

СИЙРАТ

# ЎТКИР РАҲМАТ САБОҚЛАРИ

***1999 йилнинг май ойи. Ишхонада эдим. Телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим. Таниш, гулдираган овоз:***

***— Ортиқ Номоз қалайсиз?***

***Бу Намангандан, шоир Ҳабиб Саъдулла эди. Ҳол-аҳвол сўрашган бўлдик.***

***— Сиз Ўткир Раҳматга қўнғироқ қилинг, — деди кутилмаганда Ҳабиб ака.***

***Ғалати бўлиб кетдим.***

***— Бу... Президентнинг давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматми? — Юрагим тошиб сўрадим. Ҳабиб ака айтган одамни бир-икки бор телевизорда, катта анжуманларда кўрганимни эслаб.***

***— Ўша киши. Бироқ... "Қишлоқ ҳаёти" газетасини ўқимайсиз, чоғи? Ўткиржон яқинда шу газетага бош муҳаррир бўлиб ўтган. Сизни сўраяпти...***

***— Тинчлик эканми?***

***— Хабарим йўқ. Шу йигитни топишга ёрдам берсангиз, менга қўнғироқ қилсин, деди. Телефон рақамини ёзволинг!..***

Гўшакни қўйиб бир зум ўйланиб қолдим. Ўткир Раҳматдай арбобни менда қандай иши бўлиши мумкин? Шу ўй билан ёзиб олганим рақамга сим қоқдим.

— Ҳа, лаббай! — деган ўктам овоз эшитилди гўшакдан. Ўзимни таништирдим.

— Э, Ортиқалижон! Тинч-омонмисиз? — Эски танишлардек ҳол-аҳвол сўради Ўткир ака. — Бир ҳафтадан бери сизни излайман. Ҳайрият, Ҳабиб ака бор эканлар. Хуллас, гап бундай, укажон. Мен сизни кутяпман. Тез йўлга чиқинг!

Бу чорловдан кейин нима деяримни билмай қолдим. Ўша кунлари газетамиз муҳаррири ишдан бўшаб, ўрнига вақтинчалик ишлаб тургандим. Бир ёққа чиқишнинг имкони йўқ. Ўткир ака бўлса... худди юқори қаватдан пастга тушинг, дегандек чақиряпти. Нима десам?..

— Майлику-я, лекин... — шундай деб вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Эрта ўтиб индинга газета чиқаришимиз кераклигини ҳам қистириб ўтдим.

— Газетани бир кун олдинга суриб бўлса ҳам, бугун-эрта келиб кетсангиз яхши бўларди...

... Тошкентдаман. Бош муҳаррир қабулхонасида у кишини кутиб ўтирибман. Ҳадемай йўлак томондан қадам товушлари эшитилди. Ва хонага ўрта бўйилидан хиёл тикроқ, оқ мағиз чеҳрали, юзларидан нур ёғилиб турган киши кириб келди. Менга кўзи тушиши билан:

— Ассалому алайкум! Э, Ортиқали! Яхши келдингизми? – дея чиройли кулиб қўл узатди.

Танидим. Мени минг йиллик танишидай, исмимни айтиб, дилдорлик кўрсатаётган бу одам таниқли шоир, "Қишлоқ ҳаёти"нинг янги бош муҳаррири Ўткир Раҳмат эди.

— Кутиб қолмадингизми? — деди у самимият билан. — Қани, марҳамат!

Изма-из ичкариладик. Ўткир ака тўрдаги жойига эмас, катта стол қаршисидаги бир-бирига рубарў қўйилган стулларнинг бирига мени ўтиришга таклиф қилди. Ўзига бағоят ярашган, майин табассум билан ҳол-аҳвол сўради.

— Аввалги иш жойимда водийга куратор бўлганман, — деди у. — Бир оёғим Тошкентда бўлса, биттаси Намангандайди. Сизни яхши биламан. Мақолаларингизни ўқиганман. Хуллас, гап бундай укажон...

Ўткир Раҳмат шу кўйи "Қишлоқ ҳаёти" адади сўнгги йилларда кескин тушиб кетганлиги, газетада ёритилаётган мақолаларнинг савияси ҳам ҳаминқадар эканлигини айтиб, бу республика раҳбариятини, газетхонларни қониқтирмаётганлигини, шу боисдан ҳам газетани оёққа турғизиш учун ўзини шу лавозимга тайинлашганини айтиб ўтди.

— Мамлакатимиз аҳолисининг 65 фоизи қишлоқда яшаса-ю, унинг яккаю ягона газетаси борйўғи уч минг нусхада чоп этилса, деҳқон-у чорвадор қўлига етиб бормаса, албатта, бу кўпчиликни қониқтирмаслиги табиий, — деди Ўткир ака. — Газетани, унинг савиясини кўтаришимиз керак. Ҳукуматимизнинг қишлоқ ва унинг тараққиёти билан боғлиқ сиёсатини кенг тарғиб қилишимиз, қишлоқ одамлари ҳаётини, уларнинг орзу-армонларини содда, ўқимишли тилда ёритишимиз, кўпчиликни ўйлантираётган катта-катта мавзуларга қўл уришимиз керак. Раҳбарият ҳам, газетхонлар ҳам биздан шуни кутяпти. Шунинг учун ҳам таҳририятга вилоятларда яшаб ижод қилаётган истеъдодли журналистларни жалб қиляпмиз. Сизни таклиф қилишдан мақсадимиз ҳам шу. Наманган вилоятига мухбир бўлсангиз, биргаликда ишлаб, газетани исми-жисмига мос, ўзига хос газетага айлантирсак...

Бу кутилмаган таклиф мени ҳам хурсанд қилган, ҳам ўйлантириб қўйганди. Хурсанд бўлганим, ўзи қачондир республика газеталарининг бирига мухбир бўлишни, эл кезиб, юрт кезиб, турфа одамлар билан учрашиб, кўрган-билганларимни яйраб-яйраб ёзишни орзу қилганим бўлса, ўйланиб қолганим, туман газетаси муҳаррирлигига номзодим борлиги... дилим қатидаги яна бир иштебоҳ ҳам бор эдики, бу – ёшим ҳам элликка бораётгани, бу масъулият ва ишончни оқлай оларминканман, деган андиша...

Кўпни кўрган Ўткир ака дилимдан ўтганларни сезиб, ҳис этиб турган экан.

— Келинг, Ортиқали! Ҳамкорликда ишлайлик, — деди у хаёлимдагиларни уққандек. — Мен сизга ишонаман!

Бош муҳаррирнинг ана шу бир оғиз гапи, ишончи менга қанот бўлди.

Ҳар қандай одамни бир оғиз сўзи билан сеҳрлаб, қалбига ўт қалаб яхши ишларга йўллайдиган назаркарда инсонлар бўлади. Ўткир ака ана шундай инсонлар сирасидан экан. Буни мен бу меҳридарё инсон билан "Қишлоқ ҳаёти"да бирга ишлаш жараёнида ҳис этганман, кўриб-кузатганман. Бош муҳарриримизнинг топшириғи билан нафақат Наманганни, балки Фарғона водийси қишлоқларини қадамба-қадам кезиб, не-не ажойиб одамлар билан суҳбат қурганман, не-не тақдирларга дуч келганман.

Энг яхши мақолаларим, газетхонлар эътироф этган очерк ва лавҳаларим бош муҳарриримиз топшириғи, бевосита йўл-йўриқлари билан ёруғлик кўрган.

— Вилоят мухбири газетанинг ўша вилоятдаги мухтор вакили, ҳукумат сиёсатининг фаол тарғиботчиси, эл-юрт жонкуяри, — деб уқтирарди Ўткир ака. — Жойларда бўлганингизда биринчи навбатда, ҳар доим, ҳар он зиммангиздаги ана шу масъулиятни ҳис этиб туринг. Шунга муносиб бўлинг. Энг аввало, оддий одамлар манфаати диққат-эътиборингизда турсин!

Масъулият ҳиссини ҳар нарсадан устун қўядиган, табиатан жонсарак, фидойи инсон, нозик дидли ижодкор Ўткир Раҳмат етакчилигида "Қишлоқ ҳаёти" газетаси, таъбир жоиз бўлса, қайтадан туғилди. "Гурунг", "Қишлоқда дув-дув гап", "Буни ҳаёт дейдилар", "Ҳангома", "Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат" каби жуда кўплаб ўзига хос рукнлар билан бойиди, ҳақиқий оммабоп, ҳаммабоп газетага айланди. Адади уч минг нусхага тушиб қолган газета ва унинг "Ҳаёт" деб номланган иловаси 30-35 минг нусхада босилди. Одамлар қўлма-қўл, қидириб ўқийдиган республикамизнинг энг нуфузли, етакчи нашрларидан бирига айланди.

Шу ерда икки оғиз "Ҳаёт" ҳақида. "Қишлоқ ҳаёти" кўпроқ қишлоқ турмушини, фермерлар ҳаётини, ишлаб чиқаришни ёритишга ихтисослашгани туфайли ҳам бу газетада жамоамизда қалам тебратаётган ижодкорларнинг, қолаверса, республикамиздаги шоир ва адибларнинг асарларини бериб боришга имкониятимиз чекланган эди. Ваҳоланки, газета адади ошиб, материаллар ранг-баранг ва ўқимишли бўлиб қолгач, жуда кўплаб ижодкорлар ўз асарларини таҳририятимизга тақдим этишаётган эди. Буни юракдан ҳис этган раҳбаримиз "Ҳаёт" деб номланган илова-ҳафталик ташкил этишга, бу газетада қамрови кенгроқ, ижтимоий-бадиий материалларни беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва бунинг уддасидан чиқди ҳам. Орадан ҳеч қанча ўтмай "Ҳаёт" — одамлар кутиб ўқийдиган, энг қизиқарли ва сермазмун нашрлардан бирига айланди. Бу газета билан Абдулла Орипов, Пиримқул Қодиров, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Саъдулла Сиёев, Матназар Абдулҳаким, Шодмонбек Отабоев каби таниқли шоир ва адибларимиз ҳамкорлик қила бошладилар.

Устоз раҳбарлигида том маънодаги "Қишлоқ ҳаёти" мактаби шаклланди. Бош муҳарриримиз ижодида "йилт" этган бир нарсаси бор қаламкаш борки, таҳририятга тортиш пайида бўларди.

Ўткир ака таҳририятга чорлаган, ишлашига, ижод қилишига имкон яратиб берган Ғафур Шермуҳаммад, Шавкат Ортиқов, Мақсуд Жонихонов, Тоҳир Ҳабилов, Саид Раҳмонов каби кўплаб иқтидорли қалам эгаларини бугунги кунда республикамиз аҳли яхши билади.

Ўткир ака — яхшилик учун туғилган инсон. Ҳаммага — каттаю кичикка яхшилик соғиниб яшайди. Яхшилик қилсам дейди. Меҳр-оқибатни ҳар нарсадан устун қўяди.

— Шавкат Раҳмон деган миллатимизнинг забардаст шоири оғир дардга чалиниб, ёстиқдан бош кўтаролмай ётганида жуда кўплаб ижодкорлар, дўст-биродарлари унинг Дўрмондаги дала-ҳовлисига келиб-кетиб туришди, — деб эслайди ёзувчи Набижон Боқий. — Ана шуларнинг орасида Ўткир аканинг меҳр-оқибатига, айниқса, қойил қолганман. Ўткир ака ўшанда жиддий ва масъул лавозимда ишлашига, вақти ғоят тиғизлигига қарамай, ҳар ҳафтанинг маълум кунида, ё эрта, ё кеч Шавкат Раҳмоннинг ҳолидан хабар олишга, бемор қошида ўтириб ундан ҳол-аҳвол сўрашга фурсат топарди. Нима еб, нима ичяпти, дори-дармонлар етарлими, нима камчилик бор, билиб олгиси келарди. Қайтаётганида, кўздан нарида турган хизмат машинаси юкхонасидан турли егуликлар, мева-чевалар, ноёб дорилар солинган қутини аста олиб менга тутқазаркан, ҳеч кимга сездирмасликни, ким олиб келганини ҳам қаттиқ сир тутишликни тайинларди.

Устознинг бу ажойиб хислатига бирга ишлаш жараёнида ўзим ҳам жуда кўп бор шоҳид бўлганман. Бош муҳарриримиз астойдил ишлайдиган, яхши ижодкор, яхши мутахассисни бошига кўтаришга ҳам тайёр эди. Бундайин инсонларни ҳар доим қўллаб-қувватлаш, сийлаб-рағбатлантириш, ҳукумат мукофотларига тавсия этиш пайида бўларди.

"Қишлоқ ҳаёти"да Маҳмуд Жўраев деган график рассом ишларди. Ўта камсуқум, содда, хокисор одам эди раҳматли. Бунинг устига оиласи ҳам катта, қийналиброқ ҳаёт кечириши юриш-туришидан сезилиб турарди. Бир умр таҳририятларда ишлаган бетаъма бу инсон нафақа ёшида бўлишига, бетоблигига қарамай таҳририятга эл қатори келиб кетар, ўз ишини сидқидилдан бажарарди.

Кунларнинг бирида Ўткир ака шу Маҳмуд акани ҳузурига чорлади. Кекса рассом кириб келиши билан ўрнидан туриб кутволиб, бир пиёла қайноқ чой тутди. Ҳол-аҳвол сўради. Уй-ичларини суриштирди.

— Чарчамаяпсизми, саломатлигингиз яхшими? — дея дилдорлик кўрсатди. Кейин сўраб қолди:

— Иш фаолиятингизга қанча бўлди, устоз?

— Қирқ йилдан ошдиёв... — деди Маҳмуд ака.

— Қандай мукофотларингиз бор? — яна сўради Ўткир ака.

— Бор... аввалги муҳарриримиз Исмоил ака бир гал фахрий ёрлиқ берганлар...

— Яхши, — деди раҳбаримиз. — Энг муҳими саломатлик. Саломатлигингизни асранг. Камчилик бўлса тортинмасдан айтинг. Ҳар доим ёрдамга тайёрмиз.

— Қуллуқ! — деди бош муҳаррирнинг ўзига бу қадар меҳрибонлигидан мутаассир бўлган кекса рассом.

Икки орадаги бу суҳбат баҳорда бўлиб ўтган бўлса, август ойининг охирларида, Мустақиллик байрами арафасида Президентимизнинг бир гуруҳ фидойи замондошларимизни ҳукумат мукофотлари билан тақдирлаш ҳақидаги фармони матбуотда эълон қилинди. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони билан тақдирланганлар сафида "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг безакчи рассоми Маҳмуд Жўраев ҳам бор эди...

Мен Маҳмуд акани фармон чиққан куни газетага кўз ёшлари томиб, йиғлаб ўтирган ҳолда учратганман...

Ўткир ака вилоятларда яшаб ижод қилаётган иқтидорли ижодкорларни ҳам ҳар доим кўзи қароғида тутарди. Газетамизда "Истеъдодлар бормисиз, омонмисиз?" деган махсус рукнимиз ҳам бўлиб, шу рукн остида вилоятларнинг олис-олис қишлоқ-овулларида яшаб ижод қилаётган фавқулодда иқтидор эгалари ҳақида мунтазам мақолалар бериб борардик.

2000 йилнинг авжи ёзи эди. Меҳнат таътилида – Чимён сиҳатгоҳида дам олаётган эдим. Сиҳатгоҳ раҳбарларидан бири тушга яқин мени топиб, "Тошкентга, Ўткир акага телефон қиларкансиз" деб қолди. Телефон қилдим. "Э, Ортиқалижон, саломатмисиз? Яхши дам оляпсизми" деган бош муҳарриримизнинг одатий юракка яқин овози эшитилди. "Раҳмат", дедим. "Узр дўстим, сиз дам олаётган ўша Чимён қишлоғида икки қўли йўқ бир бола бор экан. Шу ҳолига рассом экан, оёқ бармоқлари билан ажабтовур суратлар ишларкан. Бир вақт топиб ўтиб, учрашиб бирор нарса ёзиб юборсангиз яхши бўларди..." "Хўп" дедим. Ногирон рассом бола яшайдиган хонадонни сўраб-суриштириб, топиб, у ҳақида мақола ёзиб жўнатиб юбордим. Мақола газетанинг навбатдаги сонида босилиб чиқди...

Одатда таҳририятга ҳаммадан эрта келиб, ҳаммадан кеч қайтадиган, тун-у кун ишга кўмилиб ўтирадиган раҳбаримиз кутилмаганда Хоразмга отланиб қолди. Бу ошиғич сафар сабаби билан қизиқсак:

— Матназар касал, — деди безовта ҳолда. — Бориб кўрмасам бўлмайди...

Кейин масъул котибни чақириб тайинлади:

— Кутубхонадан Матназар Абдулҳакимнинг китобини топинглар. Энг сара шеърларидан бир туркумини шу сонга беринглар. Хурсанд бўлади...

Бош муҳарриримиз Хоразмда икки-уч кун қолиб кетди. Кейин ўша ерлик мухбиримиз Холмурод (Қурбонов)дан эшитдим. Матназар оддий касалхоналардан бирида, умумий палатада ана кетди-мана кетди бўлиб ётган экан. Буни кўрган устоз тўғри вилоят ҳокимлигига чиқиб борибди. Мутасаддилар билан гаплашиб, шу куниёқ шоирни нуфузли клиникалардан бирига ўтказдирибди. Унинг ўзига сездирмасдан аёлига бир даста пул тутқазибди. Хижолат қилмаслик учун "эрингизнинг чиққан шеърлари учун қалам ҳақи" депти. Даволовчи шифокорга учрашиб, Матназарнинг аҳволидан кун-тун хабардор қилиб туришини илтимос қилибди. Телефон рақамини ёзиб қолдирибди.

— Бунақа инсон, бунақа шоир дунёга юз йилда бир келади, — депти. — Уни асраб қолишимиз керак!

Раҳбаримиз Урганчдан қайтди. Бир ҳафта-ўн кун хаёллари тўзғин, паришон юрди. Ўша кунлари ўзи Тошкентда бўлса ҳам хаёли Хоразмда эди...

Атоқли адабиётшунос Озод Шарофиддиновни қанд касали қийнарди. Охири бўлмади. Олимнинг олдин ўнг, сўнг чап оёғини кесишга тўғри келди. Ўша кунлари Ўткир аканинг бир қадами шифохонада эди. Орадан ҳеч қанча ўтмай газетамизда Озод аканинг бутунлай янгича руҳдаги, ширали тилда ёзилган очерк ва эсселари бирин-кетин эълон қилина бошлади. Муҳарриримиз олимнинг юрагига чўғ ташлаб, уни руҳлантириб, қўлига қалам тутишга ундагани натижаси эди бу.

Кейинроқ Озод домланинг ўзи:

— Ўткиржон бўлмаганида бу нарсаларни қоғозга тушириш хаёлимда ҳам йўқ эди, — дея эътироф этганди.

... "Қишлоқ ҳаёти"да иш бошлаганимга эндигина ярим йил ўтган. 1999 йил декабри аввали. Ўткир ака телефон қилиб:

— 10 декабрь қанақа кун эканини биласизми? — дея сўраб қолди.

Ёпирай! Кечагина иш бошлаган, ҳали ўзини кўрсатиб ҳам улгурмаган оддий бир мухбирга эътиборни кўринг-да! Ахир, бу кун менинг туғилган куним-ку!

— Ўша куни ош қилиб бераман, — дедим нима деяримни билмай.

— Ошни сизга мана биз қилиб берамиз, — деди Ўткир ака. — Шу куни сизни таҳририятда кутамиз.

Бордим. Бош муҳаррир хонасида жамоат жам эди. Вилоят мухбирларигача чақирилганди. Ўткир ака менинг ҳақимда кўп илиқ-иссиқ фикрлар айтиб, "жонингиз омон бўлсин" дея эгнимга тўн кийдирди, "белингиз бақувват бўлсин", – деб белимга белбоғ боғлади. Яна сўнгги русумдаги диктафон ҳамда рассомимиз Маҳмуд Жўраев чизган портретимни совға қилди... Орадан ҳеч қанча ўтмай "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони билан тақдирландим...

... Инсоннинг бошида не қисмат, не кўргиликлар бор, Яратганнинг ўзигагина аён. Бу дунёи дун деганлари бошдан-оёқ сиру синоатдан иборат.

Бошимга оғир синовли кунлар тушди...

Отам вафот этди...

Эндигина ўттиз бешга кирган тоғдек ўғлимдан айрилиб қолдим.

Кейин неварам...

Ўша кунлари ҳам устоз ёнимда эди.

Дарду дунёим қоронғи бўлиб, ич-ичимдан йиғлардим.

Аммо... Кифтларимда Ўткир аканинг, бу меҳри оламжаҳон инсоннинг қўллари тафтини ҳис этиб турардим.

Бу тафт мени чўкмасликка, чекинмасликка, яна олға юришга, яшашга ундарди...

Тонг билан таҳририятга келиб, шуларни эслаб, қоғозга туширдим. Чунки соҳа фидойиларини, асл ижодкорларни, устозларимизни эслаш, доим йўқлаб туриш, улардан ўрнак олиш биз, шогирдлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Уларнинг ёнимиздалиги, қалбимиздалиги, руҳимизни кўтаради, кучимизга куч қўшади...

Тўғри, юқоридаги воқеаларга анча бўлди... Анча йиллардан буён устоз Ўткир Раҳмат мамлакатимиздаги етакчи нашрлардан бири, Парламентимизнинг бош минбари — "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари Бош муҳаррири вазифасида фаолият юритмоқда.

Менинг эса дилимда шу калом:

Борлигингизнинг ўзи бахт, меҳрибон устоз!

**Ортиқали НОМОЗОВ.**

МУНОСАБАТ

# МАТБУОТ ТАНҚИДИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАДАНИЯТИ

***Бу йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни – заҳматкаш соҳа вакилларининг касб байрами, айниқса, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси меҳнат жамоаси учун алоҳида қувончли бўлди, десам бўлади. Чунки жорий йилда 95 йиллигини нишонлаган нашримизда ўн етти йилдан буён газетанинг қизиқарли, ранг-баранг ва ўқишли чиқиши, газетхонларнинг самимий меҳрини қозониши йўлида астойдил меҳнат қилиб келаётган тажрибали журналист, таҳририятнинг жонкуяр ходими Сарвара Қосимова "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.***

Давлатимиз раҳбарининг, эл-юртимизнинг, кенг жамоатчиликнинг юксак эътирофига сазовор бўлган ҳамкасбимизни катта хурсандчилик билан табриклар эканмиз, ушбу давлат мукофоти бутун таҳририятга, таҳририятнинг ҳар бир ходимига берилгандек, барчамизнинг қувончимиз чексиз эди. Оддий ва камтар инсон, ором ва ҳаловатини қоғоз-қаламга бағишлаган фидойи журналист Сарваранинг ўзи эса кўзларида севинч ёшлари билан журналистларга оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган, ҳаётимизда адолатни қарор топтиришнинг кафолати бўлган Президентимизга самимий миннатдорчилигини изҳор этди.

Аёнки, бугунги кунда мамлакатимиз, жамиятимиз шиддат билан янгиланмоқда. Янгиланиш барча соҳа ва тармоқларда, барча ҳудудларда – шаҳар ва қишлоқларда яққол кўзга ташланаётир. Янги Ўзбекистон деган теран ва боқий ибора одамларимизнинг қалбидан чуқур жой олди.

Оммавий ахборот воситалари ва унинг ходимлари, яъни биз – ҳамкасблар, бугунги янгиланишлар суръати билан ҳамқадам бўла олаяпмизми? Оммавий ахборот воситалари маҳсулотининг асосий истеъмолчиси бўлган замондошларимиз, давримизнинг илғор фикрли ва янгича дунёқарашга эга юртдошларимиз янгиланишда баъзи ҳолларда биздан ўзиб кетмаяптими?

Дарҳақиқат, бугун ёш ва навқирон авлод янги тушунча ва тасаввурлари, янги талаб ва қоидалари билан ҳаётимизга дадил кириб келмоқда. Янги авлод ўтган даврларда умрини ўтаб бўлган меъёр ва мезонларни инкор этиб, янги замоннинг янги қадрият ва анъаналарини қарор топтириб бормоқда. Бундай янгиланиш палласи ғоят мураккаб жараён бўлиб, оммавий ахборот воситалари янги синовлар ва қийинчиликлар билан юзма-юз қолаётгани ҳам сир эмас.

Аслида жаҳон тажрибасидан маълумки, оммавий ахборот воситалари ҳар қандай янгиланиш ва ўзгаришларга тез мослашади ҳамда тараққиёт ва ислоҳотларнинг янги йўл ва йўналишларини кўрсатиб бера олади.

Муҳтарам Президентимизнинг "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига" табригида миллий журналистикамизни давр тараққиётига мос суръатда ривожлантириш, шу билан бирга, унинг олдида турган энг муҳим вазифалар белгилаб берилди. Аввало, илғор малакага эга, дунё медиа бозорида рақобатдош малакали кадрларни тайёрлаш, соҳага бозор иқтисодиёти механизмларини тўлиқ жорий этиш, нашрларнинг мазмун ва жозибадорлигини ошириш бу йўлда энг муҳим қадамлар бўлишига шубҳа йўқ.

**Салим АШУРОВ,**
**"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири.**

# "У КИШИ АХБОРОТ ХИЗМАТИДАН ЭКАН..."

1-6.

Ҳозир номини эслолмаяпман, нима эди-я... деб бошини қашлади. Қизиққонлигим тутиб унинг ҳам иш жойини сўрадим. У оғзини тўлдириб фалон туманнинг ахборот хизматиданман, деди. Эшитиб, оғзимиз очилди. Бунинг устига хотираси ҳам "жуда зўр" экан. Сураткашимиз ҳозиргина таништиришига қарамай, яна мендан сиз қайси газетданман дедингиз, деб қайта сўради. Вилоят газетаси мухбириман дедим-у, бир-биридан қизиқ саволлар гирдобида қолдим:

— Кимнинг газети у?

— Вилоят ҳокимлигининг бош нашрини билмайсизми, дедим таажжубланиб.

— Ишга энди келдим. Буёғига секин-аста билиб оламанда. Қачонги газета ўзи? Янги чиқдими?

— Ака, бу газета 1928 йилдан буён чиқади. Ўзи бирорта газетани биласизми, дедим аччиғим чиққанидан зўрға ўзимни босиб.

— Ҳа, бўлмасам-чи. Кўп газета ва китоб ўқийман. Фақат интернетда, шунинг учун номларини эслаб қолишим қийин бўлади, деди у.

Негадир шу тобда чуқур уф тордим, юрагим сиқилди.

Шу орада сафимизга "Менинг юртим" телеканали микрофонини ушлаган синглимиз қўшилди. Уни кўриб бояги акамизга бошқача жон кирди. Ҳовлиқиб:

— Келинг, бир суратга тушиб олайлик. Телевизордагилар билан доим ҳам расмга тушиш насиб қилавермайди. Майлими, энди бир ўзим манави микрофонингизни ушлаб тушсам? Бу менинг қачонги орзуим, деб айланиб-ўргилиб ўзини суратга олаверди-олаверди. Бу ҳам етмаганидек микрофонни қаерда ясаттиргансизлар, мен ҳам ўзимга "ахборот хизмати" деб ёзилганидан тайёрлатиб оламан, деб қўшимча қилди. Буларни кузатиб турган ҳамкасблар ҳам бир-бирига қараб олди-да, оғир хўрсинишди.

Наҳот, ҳозир журналист бўлиш учун ўқиш ҳам шарт бўлмай қолди. Чунки ҳатто ўзининг ҳудудидаги газеталарни билмайдиганлар ҳам ҳокимликларда ишлаб юришса?! Битта қиммат телефондан сотиб олиб, хоҳлаган ёзувни қўйиб, микрафон ясатиб олсангиз, бўлдими? Чиройли кастюм билан "журналист"га айланасиз-қўясиз. Юришингизни ҳам шунга мослаб бироз кибор билан юрсангиз яна ҳам аъло бўлар экан. Ким сиздан "туман газетасини биласанми, вилоят газетасини биласанми?", деб сўрарди? Интернетда канал очиб, билганингизни жойлайверасиз. Битта-яримта сўраб қолгунча чиндан ҳам аста-секин ўрганиб оларсиз. Агар ўзингизни шундай аққидек тутаверсангиз, биров бир нима сўрамаса ҳам керак.

Бу гапларда асло муболаға йўқ. Аксинча, бари ҳақиқат. Пойтахтга энг яқин Тошкент вилояти туманларида мана шундай "мутахассис"ларнинг ишлаётганидан тўғриси ачиниблар кетдим. Бошқа йўналишда ишлаганман, бироқ журналистикага эскитдан қизиқаман деган "ахборот хизмати" вакилининг кимлигини, қайси тумандан эканлигини айтардим, аммо сени газетангни билмаган фақат мен эканми, ана фалончи ҳам билмайди, пистончи ҳам билмайди деб ортиқча таъна қилишини истамадим.

Қолаверса, кузатувларим адаштирмаса, ҳозирги аҳвол шундай даражадаки, айнан ахборот хизматларига ким ўзи, аввал қаерда ишлаган ё ишламаган, маълумоти қанақа — буларнинг бари фарқи йўқдек.

Бу ҳолга қараб ё товба, дейсан-да. Нима, журналистика, ахборот хизматлари шу даражада "иккиламчи" ишга айланиб қолдимикан?

Айтганча, юқоридаги акамиз ўша куни тушган суратларини интернет тармоқларига ҳам жойлагандир. Бироқ ҳозирча кўзим тушгани йўқ. Балки бу суратни сиз кўриб қолсангиз, "қаҳрамонимиз"нинг ким эканлигини ҳам англарсиз.

**Камолиддин РЎЗИМАТОВ.**

ЭЪТИРОЗ

# МАҲАЛЛАДОШЛАРИМ АРЗИГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ

***Маҳалладошларим Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманига қарашли “Бободеҳқон” маҳалласидагилар “Сиз маҳалламиздансиз, шу ерда туғилиб, шу маҳаллага келин бўлдингиз. Илтимос, “катта”лар ўқишсин, аҳволимизни ёзинг”, — деб сира қўйишмади. Қолаверса, ўзим ҳам бувимнинг ҳаёти такрорланмасин-да, деб беҳад хавотирдаман. (Бу ҳақда қуйироқда айтиб ўтаман).***

Ахир, ўғлим пандемия пайтида рўзғордан қисиниб, усталарга ёлланиб, уйимиз этагидаги битмаган бино устига 13×7 ҳажмли уй кўтарди ва Абдуваҳоб деган тадбиркор йигитга топширди. Абдуваҳоб катта йўл бўйигача бир сотихлик ерга асфальт ётқизди, учта ўчоқ ва иккита тандир қурди.

Буларнинг бари — фалон пул. Пулни “ижара” ҳисобига қоплашга келишдик. Аммо “ўчоқни буз, давлат ерини “заҳват” қилиб, қурган соябонларингни йўқот”, деб келишди.

Ўғлим не-не орзу ўйда атрофни гуллар билан безаб, соябон қилган устунларни арралаб, беш-ўнта “зонтик” сотиб олиб, беш нафар сўқоқлик сомсапазларни ёллаб, “Сўқоқ” ва “Мадор” сомсаси ёптира бошлаганди. Катта йўл бўйимасми, қолаверса, уч аёл ва икки эркак ишли бўлганидан хурсанд, ном чиқарга ишлаганиданми, ошхона олди гавжумлашди. Яна тандир қурди. Бу сафар янгийўллик сомсапаз эр-хотинни чорлаб, уларга ҳам иш берди.

Она-бола татар аёллар ҳам келиб, “гумма”, “блинчик”, “чебурек”лар пишира бошлади. Маҳалламиздагилар ҳам хурсанд эди, сотувчилару иш берувчи ҳам. Аммо яна Юнусобод туман прокуратурасиданман деб бир йигит келиб, ҳамма ошпазларни қувиб юборди.

Кўча четида айрон, гўжа сотувчилар, тарвуз-қовун сотиб кун кўрувчилар, Намангандан келиб тахта сўри сотиб тирикчилик қилувчилар, арчачилар — бариси билан ёқалашгудек бўлиб, ҳаммасини ҳайдашди.

Маҳалламиздан икки қаватли уй бошлаган Олим, автосервисга мўлжаллаб ўн нафар усталарга иш бериб иморат қураётган Акбарнинг ишлари ҳеч қандай расмий ҳужжатсиз, хат ёки ҳокимият қарорисиз тўхтатилди. “Туркистон” ресторанининг ойнаванд қишки боғи ҳам бузилиб, катта йўл ёқаси харобага айланди. Энди янги гап: “Уч қаҳрамон”дан Тошкент давлат Аграр университетигача бўлган уйларнинг фалон метригача бузилиб, Тошкент ҳалқа йўли кенгайтирилармиш!

Ота-боболаримиз деҳқончилик қилиб уй-жой қуриш учун олган ер участкалари йиллар ўтиб, зурриёдлар кўпайиб, ҳовли-жойларга айланган. Ҳамма уй, қурилган бинолар бузилса, албатта, одамларга ер ёки пул берилади.

Тайёр, чиройли уйларни бузмай, ишсиз, зўрға кун кўраётганларни аламзада қилмай, кўча шаҳар тарафданмас, Тошкент тумани далалари атрофидан ўтса бўлади-ку. Тўғри, у тарафда ҳам бир-иккита дўкон ва бекатлар бор. Лекин аҳоли зич яшайдиган ҳовли-жой, иморатлар йўқ-да у томонда.

Бу гапларни маҳалладошларимнинг фикридан уқиб ёзяпману, аммо ич-ичимдан шиғил ҳосилидан кўз яшнатиб шира тортишга шайланаётган узумзоримизни, қанча куч ва маблағ кетган икки қаватли ошхонамизни кўз олдимдан ўтказиб, бувижонимнинг ҳаёти маҳалладошларимда ҳам такрорланмасайди, деб турибман.

Айтишларича, ўтган асрнинг ўттиз учинчи йилида Абдуазим бобомнинг ҳовлисига бир эркак ва аёл кириб келган ва “боғингиз “Ильич заводи” кенгайиши учун бузилади”, деган. Бобом раҳматли: “Беш фарзандимнинг оғзи мевага тегсин, ғўра узумларим пишгунча сабр қилинглар”, десалар-да боғни буза бошлашган.

Ҳали у бузувчининг, ҳали бу бузғунчининг ёнига бориб “ахир, шундан бошқа даромадимиз йўқ” — деб дод солган бобом оёқ-қўли ишламай, дудуқланиб, “инсульт” бўлган! Бир ҳафта ўтмай ишсиз, ҳунарсиз хотинига гўдакларини ташлаб оламдан ўтган...

Айнан, ҳозирги ҳовли-жойга бувимнинг тоғалари кўчиб келган. Мурғак болалар колхозда бошоқ терган, каттароқлари картошка эккан. Қўшниларимнинг ҳам ўз тарихи бор. Бирининг фарзанди ногирон, бошқасининг келини касалванд. Бирининг тайинли иши, яна бирининг боқувчиси йўқ.

Аслида бу “буза-буз”лар “Бошплан”га кирганми ёки бошқа мўлжал борми, ҳайронмиз...

Президентимиз ҳамма нарса қонуний бўлсин, одамларни рози қилинглар демоқда. Юнусобод туманидаги мутасаддилар эса ҳеч кимнинг арзини эшитаётгани йўқ.

**Умида АБДУАЗИМОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими,**
**“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси.**

ТАРБИЯ

# ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР ҲАМ ТАЪЛИМ ВОСИТАСИ

***Бугуннинг талаби — жамиятда жисмонан соғлом, маънавий етук шахсларни вояга етказишдир. Ҳар томонлама баркамол авлод эса порлоқ келажакнинг гаровидир. Шу сабаб, ёшларни қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.***

***Олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, инсон умри давомида ўзлаштириши мумкин бўлган билимларнинг 70 фоизини 3-7 ёш оралиғида эгаллар экан. Чунки бу даврда боладаги барча билиш жараёнлари ўсиб, ривожланади.***

Мамлакатимизда кейинги йилларда Мактабгача таълим тизимига катта эътибор қаратилиб, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида барча имкониятлар яратилмоқда.

Замон тараққиётга, ривожланишга юз тутган сари таълим-тарбия жараёнида самарали восита бўлиб хизмат қиладиган омил, метод, воситаларини ҳам такомиллаштириш талаби вужудга келди. Ўн йил олдинги 5 ёшли бола билан ҳозирги шу ёшдаги боланинг қизиқиши, ҳаракати, эркалиги тубдан фарқ қилади. Шу боис, таълимнинг барча босқичларида янгича методлар майдонга келмоқда.

Маълумки, баркамол авлодни тарбиялаш, дастлаб, оилада, сўнгра мактабгача таълим муассасасида амалга оширилади. Бу анъана масъулият билан давом эттирилиши лозим. Замон талабидан келиб чиқиб, миллат жонкуярлари зарур тадбирларни излаб топади, тизимга татбиқ этади.

Мактабгача таълим ёшидаги боланинг эшитиш хотирасидан кўра кўз, тасаввур хотираси кучли бўлади. Шуни инобатга олиб машғулотлар ўйин, кўргазмали қуроллар, мультимедиа-дидактика ўйинларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилса, ҳар бир болада ўрганишдаги рағбатнинг амалий натижаси ҳис этилиб, ахлоқий фазилатлари ривожланади, ҳалоллик, адолатлилик, қатъиятлилик, эркин фикрлаш, нутқининг ўсиши ва энг асосийси, замонавий технологиялар билан ҳамнафас бўлиб вояга етишига замин яратилади.

Дидактик ўйинларга изоҳ берадиган бўлсак, болалар билан махсус таълимий ўйинлар шаклида машқ қилиш усулида боланинг билим доирасини ривожлантиришдир. Дидактик ўйинлар ҳам ўйин, ҳам таълим воситаси. Бундай ўйин жараёнида бола барча ақлий жараёнларни ривожлантиради ва индивидуал хусусиятларини шакллантиради.

Мультимедиа-дидактика ўйинларидан фойдаланган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш жараёнини ривожлантириш бугун жаҳонда эътироф этилаётган энг самарали йўллардан бири. Мультимедиа — замонавий техник ва дастурий воситалардан фойдаланиш. У интерактив дастурий таъминот бошқаруви остида ўзаро визуал ва аудио самара таъсиридан иборат бўлиб, у матн, товуш, графика, фото, видеони рақамли тақдим этиш усулида бирлаштиради.

Мультимедиа-дидактика ўйинларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни олиб боришнинг яна бир афзаллиги, бу каби ташкил этилган машғулотда мажбурий билим бериш бўлмайди. Бола билимни ихтиёрий қабул қилади ва бу орқали тарбиячи ижобий натижага эришади.

Мультимедиа-дидактика ўйинларидан фойдаланиш боланинг мактабга ишонч ва келажакка ошиқиш билан қадам ташлашига ёрдам беради. Йиллар элагидан ўтиб келаётган олтин нақл бугун ҳам қийматини оширса оширганки, заррача камайтирмаган. Чиндан ҳам ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш каби бебаҳодир.

**Виктория ПОНОМАРЁВА,**
**Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 418-ДМТТМ тарбиячиси.**

ЖАҲОНДА

## САЙЁРАМИЗ АҲОЛИСИНИНГ КАТТА ҚИСМИ ОЧ

***БМТ Бош котиби Антонио Гутерриш озиқ-овқат етишмовчилиги масаласига бағишланган саммитда “Дунё озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолининг тўқлик даражаси” мавзусидаги видеоконференцияда нутқ сўзлади.***

“Охирги фожиали маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йил дунёда 720–811 миллион нафар одам очликка дучор бўлган. Бу 2019 йилга нисбатан 161 миллион нафарга кўп ва бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилга мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадларидан анча узоқ”, — дея таъкидлаган у. Сўнгги йилларда дунёда очлик муаммоси, айниқса, коронавирус пандемияси даврида кучайганлигини қайд этган Гутерриш, 2021 йилга келиб, одамларнинг энг асосий ҳуқуқи — озиқ-овқат хавфсизлиги борасида муваффақиятсизликлар бўлганини айтди.

Таҳлилларга қараганда даромадлар тенгсизлиги ва юқори нархлар жаҳондаги 3 миллиард одамнинг етарлича озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлишига тўсқинлик қилмоқда.

БМТ Бош котиби озиқ-овқат етишмаслигининг сабаби ҳам иқлим ўзгаришлари эканини айтган: “Бизнинг табиат билан курашимиз, барча чиқинди газларининг учдан бир қисми озиқ-овқат ишлаб чиқариш тизимининг улушига тўғри келади. Шунингдек, очлик ва тўйиб овқатланмаслик бошқа глобал муаммолардан алоҳида эмас”.

## ТОЛИБОН ХИТОЙ БИЛАН ЯҚИНЛАШМОҚДА

***Афғонистонда Толибон вакили Суҳайил Шохин Хитойни “дўст ўлка” дея таърифлаб “Биз Хитойни мамнуният билан қаршилаймиз. Агар улар сармоя киритмоқчи бўлса, албатта, уларнинг хавфсизлигини таъминлаймиз. Бу биз учун жуда муҳим”, деб айтган.***

Пекин маъмурияти билан яхши алоқаларга эга эканликларини таъкидлаган вакил: “Биз Хитойда кўп марта бўлдик ва яхши алоқаларимиз бор. Хитой Афғонистон қурилиши ва ривожланиши учун қиладиган ёрдамларини мамнуният билан қабул қилишимиз мумкин бўлган мамлакат”, деган Суҳайл Шохин.

Шунингдек, у толибонлар “Шарқий Туркистон исломий ҳаракати” каби гуруҳларнинг Афғонистонда фаолият олиб боришига изн бермаслигини қўшимча қилган.

## СУВАЙШНИНГ ЙИРИК ДАРОМАДИ

***Сувайш канали бу йил ўз тарихидаги энг юқори даромадни қўлга киритгани айтилмоқда. Канал маъмурияти президенти Усама Раби ўзининг ёзма баёнотида, жорий йил июнь ойида тугайдиган 2020-2021 молия йили учун тушум 5,84 миллиард долларни ташкил этганлигини билдирди.***

Каналда денгиз қатнови 2021 йил бошидан буён сезиларли даражада яхшиланиб, канал орқали ўтадиган кемаларнинг йиллик сони 2,3 фоизга ўсган.

Маълумки, Сувайш канали орқали дунё денгиз тижоратининг 12 фоизи амалга оширилади.

Усама Раби канал маъмурияти томонидан жорий қилинган қулай тарифлар ва маркетинг сиёсати натижасида канал орқали ўтадиган кемалар сонини сақлаб қолиш ва мижозлар ишончини қозонишга муваффақ бўлганлигини таъкидлаган.

Мисрнинг энг йирик даромад манбаларидан бири ана шу — Сувайш каналидир.

**Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.**

ТААССУФ

# ПУЛИ БОРГА ТАҚИҚ ЙЎҚ...МИ?

***Айтишларига қараганда, бу йилги жазирама сўнгги 150 йилда кузатилмаган. Айрим манбалар сўнгги 300 йилда бундай жазирама бўлмаганини айтмоқда.***

***Гарчи, бир-икки кундан бери ҳаво бироз “ташлаган” бўлса-да, ҳамон офтобнинг шашти баланд. Ҳатто ичкаридаги ҳаво совутгичларнинг “ўпкаси тўлиб”, совуқ ҳаво ҳайдашга қийналиб қоляпти. Шу сабаб, кўчада юришнинг ўзи осон эмас. Шундай бўлишига қарамасдан, тирикчилик пайидаги минг-минглаб одамлар қуёшнинг тиғида юришга мажбур. Машина ва жамоат транспортларининг ойналари эса қорайтирилмаган. Чунки юртимизда тонировканинг нархи отнинг калласидек.***

Маълум бўлишича, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев тонировканинг бепул қилиниши ёки унга минимал тўловлар асосида рухсат берилишини сўраб Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилган. Сўровга жавоб келган, аммо аниқ бир гап айтилмаган. Бу борада қарор лойиҳаси тайёрланаётгани маълум қилинган, холос. Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев ҳам тонировка учун баланд нархдаги тўловларга танқидий муносабатини кунда-кунора ижтимоий тармоқларда билдирмоқда. Таассуфки, депутатларимизнинг муносабати, сўровлари, жазирамада азият чекаётган минглаб фуқароларнинг шикоятлари тезкор чора кўрилишига туртки бўла олганича йўқ.

Ажабо, чидаб бўлмас даражадаги шундай иссиқда тонировканинг нархи пасайтирилмаса-я!.. Аслида бу ажабланарли ҳам эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, автомобиль ойналарини тонировка қилганлик учун тўловлар, рухсатсиз қорайтирилган ойналар учун жарималар… Ким асал томиб турган тешикни беркитгиси келади?

Шу нарса тушунарсизки, бир пайтлар хавфсизлик нуқтаи назаридан машина ойналарини қорайтириш мумкин эмас дейиларди. Аммо пулли асосда бунга рухсат берилди. Яъни, пулини тўлаб қўйсангиз, автомобиль ойнасини қорайтиришга қўйилган тақиқ сиз учун ишламайди. “Пули борга тақиқ йўқ”, дегани-да энди бу! Ажаб, кўп миқдорда пул тўланганидан кейин хавфсизлик масаласининг аҳамияти қолмаскан-да!

Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари кучли иссиқдан қандай сақланиш кераклиги ҳақида тавсиялар берган бўлди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ҳар доимги “ғамхўрлиги”ни унутиб қўйган эмас. Нима бўлганда ҳам раҳмат, бор бўлсин шулар! Лекин “Кўпроқ суюқлик ич, соядa ўтир, бошингга нам латтани ўраб ёт”, деган гапларни ҳар ким айтиши мумкин-да. Нима учун мияси қайнаб, ўпкаси қуриб кетган кўчадаги минглаб жабрдийдалар ва саноқли депутатлардан бошқа ҳеч ким тонировканинг нархларини пасайтириш ҳақида ўйламайди? Ҳозирги аномал иссиқда одамларнинг саломатлиги учун бошга нам матони босишни ўргатгандан кўра, автомобилларни тонировка қилишга рухсат бериш халқ учун ўн марта фойдали эмасми?

Одамларни тўғри тушуниш керак. Тўлашга пули бўлганда, шу тонировка масаласини даҳмаза қилиб судраб юрмасди. Бугун хорижга кетишни истамаганларнинг, иш топишда омади чопмаганларнинг деярли барчаси киракашлик қилади, ахир…

Шу ўринда хорижий юртларда тонировкага муносабат қандай эканига бир кўз ташласак: Болтиқбўйида жойлашган Литвада тонировка текин, ҳеч қандай тўлов, давлат божи каби чиқимлар йўқ. Орқа ва орқа ён ойналарни хоҳлаганча тонировка қилиш мумкин, олд ён ойналарни эса 20 фоизгача қорайтирсангиз биров бир нарса демайди. Кавказортида жойлашган Грузия давлатида ҳам тонировка учун тўловлар йўқ, фақат устанинг ҳаққини берсангиз бўлгани. Устахонада машина ойналарини тўлиқ тонировка қилдириш эса бизнинг пулда 150 минг сўмларга тўғри келар экан.

Озарбайжон пойтахти Бокуда агар фарзандларингизни олиб юрсангиз, ёз пайти машинангизга тонировка тортишингиз мажбурий экан. Болаларнинг териси қуёшга жуда таъсирчан бўлиши бунга сабаб (ўзбекнинг боласига эса ҳеч нарса қилмайди!), экан.

Юқорида айтганимиз уч давлатнинг ҳам иқлими бизникидан анча нам, салқин. Агар уларда бизнинг юртдагидек жазирама бўлганида борми, эҳтимол, машина ойналарини қорайтириш учун улар пуллик қилиш у ёқда турсин, аксинча, ёрдам пули беришарди-ёв, деб ўйлаб қолади одам.

Яна бир маълумот: Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти қуёш фаоллиги юқори бўлган мамлакатларда тери саратони ва қуёшнинг бошқа зарарларидан ҳимояланиш мақсадида энг ишончли ва арзон усул сифатида автомашиналар ойнасини ЙҲҲ қоидаларига мос равишда қорайтиришни тавсия этган. Бизда халқнинг, халқ вакили бўлган депутатларнинг сўзи тингланмаслиги одатий ҳол бўлиб бормоқда, ҳатто обрўли халқаро ташкилотларнинг тавсиясига ҳам амал қилинмаслигига нима дейсиз?!

Модомики, биз денгизлари мавж урган мўътадил иқлимли минтақада жойлашмаган эканмиз, шаҳарларимизда кўплаб дарахтларни қурбон қилиб қураётган ҳашаматли бинолари-мизнинг сояси атрофни оз бўлса-да салқинлатишга ярамаётган экан, ҳеч бўлмаса, фуқаролар ўз машиналарининг ойналарини арзон нархларда тонировка қилишига рухсат берилиши керак эмасми?

“Энди бу гапларга эътибор бўлгунича, балки куз ҳам келиб қолар, ўзи салқин тушиб қолади”, дейди бир ҳамкасбим шу ҳақда айтсам. Балки. Лекин дам фақат шу дам эмас, омон бўлсак, келаси ёз бор, ундан кейингиси бор-ку, дейман ҳамкасбимга жиғибийрон бўлиб. Худди гўё тонировкага у рухсат бермаётгандек.

Сиз эса тонировканинг нархи арзонлашувини кутаётган азиз юртдошлар, ҳозирча дўхтирларнинг маслаҳатларига амал қилиб, кўпроқ суюқлик ичиб туринг, жуда иссиқда қолсангиз, соядa ўтинг, беҳузур бўлиб, мазангиз қочса, тезда бирор матони муздек сувга ботириб, пешанангизга қўйишни унутманг. Ахир, соғлиғингиз ўзингизга керак…

**Шаҳзод ШОДМОНОВ.**

***Мамлакатимиздаги энг йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланган “Халқ банки” акциядорлик-тижорат банки биринчи бўлиб автоматлаштирилган жараёнга киришди ва бу йўлда молиявий хатарларни бошқариш тизимини “Finastra Fusion Risk” негизида трансформация қилиш мақсадида “FinExtra” компаниясини танлади. “FinExtra” МЧЖ катталиги бўйича дунёда 3-ўринда турувчи “Finastra” (Буюк Британия) компаниясининг эксклюзив ҳамкоридир.***




# “ХАЛҚ БАНКИ” БИРИНЧИ БЎЛИБ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЖАРАЁНГА КИРИШДИ

***“Халқ банки” айни кунда “Finastra Fusion Risk” дастурий тизими асосида банк хатарлари, активлар ва пассивларни бошқариш жараёнини автоматлаштирмоқда. Шу муносабат билан куни кеча Халқ банки бошқаруви биносида ушбу янги тизим тақдимотига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

***“Халқ банки” АТБ раиси Фарҳод Саломов, “Finastra” регионал компанияси директори Ҳамид Нироузад, “Neoflex Consulting” компаниясининг Молиявий хатарлар амалиёти директори Антон Лазебний ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда мутахассислар “Fusion Risk” платформасининг демо версияси бўйича иштирокчиларга маълумот берди.***

“FinExtra” компанияси лойиҳани рўёбга чиқариш давомида “Finastra Fusion Risk”нинг бошқарув ва тартибга солиш модулларини тезда жорий этишни таъминлаш учун жаҳонда синовдан ўтган MAPS (Misys Application and Process Solutions) услубидан фойдаланади. “Халқ банки” “FinExtra” компанияси билан “Fusion Risk”ни асосий банк тизими ва банкнинг бошқа ички тизимларига “Finastra FusionFabric Connect” деб аталувчи жиҳоз орқали улаш мақсадида ҳамкорлик қилади. Бу эса барча бирламчи тизимлардан маълумотларни содда ва аниқ шаклда онлайн равишда йиғишни таъминлайди. Халқ банки “Fusion Risk” билан бирга ягона назорат нуқтасидан туриб бозор таваккалчилиги, кредит хатари ва ликвидлик хатарини баҳолай олади ва таҳлил қилади.

— Банкимизда жорий этилаётган бу тизим активлар мутаносиблигини бошқариш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди. Бугун банк активлари соат сайин ошиб бормоқда. Уларни бошқариш, назорат этиш жуда кўп вақт ва ресурс талаб этилади. “Халқ банки”да амалга оширилаётган трансформация натижасида бугун “Fusion Risk” платформаси ишга тушди. Натижада банкдаги кунлик актив ва пассивларнинг ўзгаришини, таҳлилларини назорат қилиш имкони яратилди. Бундан ташқари, ушбу дастур орқали “IFRS9” молиявий ҳисоботларнинг

халқаро стандартлари бўйича активларнинг тасдиқланиши ҳам автоматик тарзда йўлга қўйилди. Қолаверса, ўз вақтида активлар ва мажбуриятларнинг ўзгаришини ўрганиш билан бирга, ликвидликни бошқариш учун кунлик маълумотларга эга бўламиз, — деди Муаммоли активлар билан ишлаш департаменти директори Бахтиёр Алимов.

Таъкидлаш жоизки, “Fusion Risk” дастури банкка хатарларни идентификация қилиш, кредит хатари, бозор таваккалчилиги, ликвидлик хатари, фоиз ставкалари ўзгариши хатари, бошқарилувчи метрик хатарлар(BaseII/III и МСФО 9) ва стресс-тест ўтказиш кабиларни бошқариш учун тўлиқ имкониятларни тақдим этди.

“Fusion Risk” қаторига шундай тизимлар кирадики, улар риск-менежмент бўйича бой халқаро тажрибани умумлаштириб, турли молиявий хатарларни, шу жумладан, бутун банк миқёсидаги хатарларни ҳам комплекс бошқариш вазифаларини ҳал қилади. Бу тизимдан бутун дунё бўйлаб 250 дан ортиқ йирик молия ташкилотлари фойдаланишади. Fusion Risk тизими Societe Generale, European Bank, Erste Bank ва Альфа банк сингари бир қатор банкларда жорий этилган бўлиб, Ўзбекистон Марказий банки талабларига ҳам тўлиқ мослаштирилди.

— “Халқ банки” томонидан бизга кўрсатилган юксак ишончни қадрлаймиз ва банк раҳбарияти мазкур қарорнинг самарадорлиги ва хатарларни бошқариш тизимининг аҳамиятини яхши тушунади. “FinExtra” банк учун ягона экспертиза маркази бўлади. “Finastra”нинг қарорлари билан боғлиқ масалалар бўйича буюртмачи Ўзбекистондаги эксклюзив ҳамкори сифатида бизга мурожаат қилиши мумкин, — деди “Finastra” регионал компанияси директори Ҳамид Нироузад.

Ҳа, “Fusion Risk” дастурий таъминоти “Халқ банки” фаолиятини янада оптималлаштиришга имкон беради. Бу эса барча бирламчи тизимлардан маълумотларни содда ва аниқ шаклда, онлайн равишда йиғишни таъминлайди. Қолаверса, ҳисоботларни тайёрлаш учун кетадиган вақт ва меҳнат харажатларини сезиларли даражада камайтиради.

**Абдулазиз АҲМЕДОВ.**

**Реклама ҳуқуқи асосида.**
**Хизматлар лицензияланган.**

## “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ:

# ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ КАТТА ҚАДАМ

Саноат иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантиришга хизмат қиладиган соҳа ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимизда қурилиш соҳасига катта эътибор қаратилаётган ҳозирги даврда, қурилиш материалларига бўлган талаб ошиб кетгани табиий.

Шу боисдан, сўнгги йилларда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шаҳар ва туманларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш баробарида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳисобига юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий маҳсулотлар тури ва ҳажмини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, охирги тўрт йил ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 23 фоизга, электротехника, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, заргарлик саноати, қурилиш материаллари, мебель, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа истеъмол моллари ишлаб чиқариш каби ҳудудларда жадал ривожланаётган саноат тармоқлари 1,3 баробардан кўпроқ ўсди.

Аммо очиқ айтиш жоиз, тармоқда ислоҳотлар кутилган самарани бераётгани йўқ, айниқса, қурилиш индустриясини ривожлантиришда ҳудудларнинг саноат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Мамлакатимизда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш иқтисодий тараққиёт йўлидаги энг муҳим омиллардан биридир. Жорий йилнинг 12 июль куни пойтахтимиздаги “International Hotel Tashkent” меҳмонхонасида шу масалага бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳамда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда шу йил 9 июнда Президентимиз томонидан қабул қилинган “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифлар, шунингдек, соҳани ривожлантиришда хорижий тажриба каби масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Азиз Воидов, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқарув раиси Сахи Аннақличев, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқарув раисининг ўринбосари Баҳодир Исмоилов, “Ўзстандарт” агентлиги масъул ходими Асқарали Асқаров ва “Boston consulting group” компанияси вакили Игор Алексеевлар сўзга чиқди.

Президентимизнинг қурилиш материалларини ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш борасидаги топшириғига мувофиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида Давлат геология қўмитаси, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси билан биргаликда 22 хил қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга хомашё етказиб бериш салоҳиятидан келиб чиқиб, 190 та кон участкаларида ўрганишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Биринчи босқичда 24 та туман ва шаҳарларда қурилиш материалларини илғор ривожлантиришга ихтисослашган зоналар ташкил қилинган. Бу зоналарда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун фойдали қазилмаларнинг захираларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб борилади.

Вазир ўринбосари Азиз Воидов барча соҳаларни қамраб олувчи ягона саноат сиёсатини ишлаб чиқиш, саноатни кластер асосида ташкил қилиб, унга юқори даражали инновацион ҳамда тежамкор технологияларни жалб қилишга ва ташқи бозорларда саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим эканлигини таъкидлади. Унинг айтишича, мазкур тармоқда лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қатор имтиёзлар ҳам берилмоқда.

Президент фармонида белгиланганидек, маҳаллий саноат тармоқларини ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган

янги яхлит тизим жорий қилиш учун “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳузурида Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш ташкил қилинди. Ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув раиси С.Аннақличев бир пайтнинг ўзида Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш раиси вазифасини ҳам бажариши белгиланди. Шу боис, банк раҳбарияти томонидан соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштиришга кўмаклашиш мақсадида янада фаол ишлар олиб борилмоқда. Банк бош офисида махсус департамент, минтақавий филиалларда консалтинг марказлари ташкил қилиниб, уларга малакали менежерлар жалб қилинган.

Ҳозирда ушбу менежерлар қурилиш материаллари соҳасида иш бошламоқчи бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектларига стандарт лойиҳалар, бизнес режалар ва лойиҳаларнинг техник-иқтисодий аҳамиятини ишлаб чиқишда, шунингдек, кредит олишда бевосита кўмаклашмоқда.

Сахи Аннақличев Кенгаш фаолияти ҳақида гапираркан қуйидагиларни айтиб ўтди: “Консалтинг марказининг асосий вазифаси тадбиркорнинг лойиҳаларини ўрганиб, унинг ҳамма масалаларида, чет элдан технологиялар олиб келиш бўйича ёрдам беришдан иборат”.

Маълум қилинишича, эндиликда ушбу марказларда ахборотлаштирилган базалар ташкил қилинади. Уларда ҳудудлардаги фойдали қазилма конлари, маҳсулотларнинг бозорлардаги таннархлари, зарур технологик ускуналар ҳамда ташкил этиладиган ўқув курслари бўйича маълумотлар бериб борилиши кўзда тутилди.

Шунингдек, “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази билан биргаликда етакчи хорижий олий-гоҳларни жалб қилган ҳолда, қурилиш материаллари соҳаси учун малакали ва зарур кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Хусусан, Тошкент кимё технология институтида Германия ва Россиянинг нуфузли университетлари билан бирга 5 та янги йўналишда ўқишни ташкил этиш ҳамда Тошкент архитектура ва қурилиш институти билан биргаликда Туркиянинг ихтисослашган олий таълим даргоҳларини жалб этган ҳолда муҳандис ва технологлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича тегишли вазирликлар билан ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидланишича, 65 та маҳсулот тури бўйича ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилмоқда.

Қолаверса, Сахи Аннақличев бугунги кунда “Boston consulting group” компанияси экспертлари билан соҳани хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилаётганини маълум қилди. Бунда кластер тизимини амалдаги девелопер компаниялари орқали ташкил қилиш мўлжалланганини айтилди.

Амалга оширилаётган ишлардан яна бири шуки, 5 миллиард долларлик лойиҳалар портфели бўйича маълумотлар корхоналар ва туманбай шакллантирилган ҳолда ягона базавий платформага киритилади. Мазкур тизим тегишли вазирлик ва идораларга белгиланган чора-тадбирлар ижросини онлайн режимда кузатиб бориш имконини беради. Бу борада умумий мониторинг банкнинг консалтинг компанияси ҳамда банк филиалларида ташкил этилган консалтинг марказлари томонидан юритилади.

Бизнес-форумда фармон асосида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 200 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш бўйича келишувлар амалга оширилаётгани, банк томонидан 300 миллион долларлик еврооблигацияларни муомалага чиқариш ишлари ҳам олиб борилаётгани диққатга молик.

Бундан ташқари, банк томонидан “Ўзстандарт” агентлиги билан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган туманларда замонавий лабораториялар ташкил этиш, корхоналарнинг раҳбар ва ходимларини халқаро сифат талаблари ҳамда стандартларига ўргатиш тизимини яратиш бўйича ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб борилмоқда.

Тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар, муҳандис-қурувчилар иштирок этган тадбирда тармоқлар ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида тартибга солиш муҳити ва стандартларни такомиллаштириш, замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий саноат корхоналари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, бунда тренинг дастурларидан кенг фойдаланиш каби масалалар бўйича фикр алмашилди.

Бу шубҳасиз, амалга оширилаётган ва режалаштирилган ишлар иқтисодий ривожланиш йўлидаги яна бир йирик қадам бўлади.

**Шаҳзод ҚАҲРАМОН ўғли.**

**Реклама ҳуқуқи асосида.**
**Хизматлар лицензияланган.**

ҲИКОЯ

Николай Хайтов

# Йўл қурувчи



***Муаллиф ҳақида:*** Николай Хайтов — болгар ёзувчиси, драматург, публицист. 1919 йил 15 сентябрда Болгариянинг Яврово шаҳрида туғилган. “Ёввойи эртаклар” тўплами, қатор ҳикоя ва очерклари билан танилган. 2002 йилнинг 30 июнида, 82 ёшда Болгариянинг София шаҳрида вафот этган.

Кеча уйимга “Йўл назоратчиси” келиб, “Влашо сен бўласанми?”—деб сўради. Ва “Йўл бошқармасининг бошлиғи “уни ҳузуримга олиб кел”, деб буйруқ берди”, деди.

— Буйруқ берган бўлса, бораверамиз-да.

У мени, тўппа-тўғри бошқарма бошлиғининг эшигига рўпара қилди-да: “Эшикни тақиллат, бош кийимингни ечиб ичкари кир!”—деди.

Мен бош киймимни ечиб, ичкари кирдим. Бошлиқ столни у томонида газета ўқиб ўтирарди.

— Кунингиз хайрли бўлсин, муҳтарам бошлиқ!

— Нима керак сенга?-деб сўради бошлиқ, газетадан бош кўтармай.

— Чақиртирган экансиз, ўша Влашо мен бўламан.

“Влашо” сўзини эшитиши билан дарҳол газетани столга қўйди.

— Ҳа-а-а, демак, шаҳар ташқарисида текинга йўл қурадиган сен экансан-да!

— Менман.

— Қаерда яшайсан? Шаҳарликмисан? Ё...деб— сўради бошлиқ.

— Ҳа, шаҳарликман.

— Қизиқ, авваллари сени ҳеч учратмаган эканман.

— Шаҳар катта, ўзим ҳам кўп ташқарига чиқмайман. Уйда ишлайман. Косибман. Ямоқчилик қиламан.

—Бу қанақаси бўлди?—ажабланди бошлиқ,—ҳам косибсан, ҳам йўл қурасан?

— Нима бўпти? Мумкин эмасми?

— Э, йўқ, ким сенга “мумкин эмас” деди?...

— Назоратчи уйимга келиб “бошлиғимиз сени олиб кел! — деб буюрди”, деди. Балки бирон нотўғри иш қилган бўлсам керак деб ўйладим.

— Ҳайвон! — жаҳли чиқди бошлиқнинг буйруқ берганим йўқ, вақти бўлса бир келиб-кетсин, дедим. Шунчаки бир кўриб у ёқ, бу ёқдан гаплашмоқчи эдим. Рости, йўл қурганинг, тўғриоғи, ишингга ҳақ тўламоқчиман. Биласанми, мен туман бўйича йўллар учун жавобгарман. Хўш, бизда қанча ҳаққинг бор?

— Мен, пул учун ишламайман. Йўлни пулга қурмайман.

Бу гапимни эшитиб бошлиқнинг кўзи олайиб қолди.

— Нега? Йўқ, кечириб қўясан, давлат бунга йўл қўёлмайди. Ишладингми, марҳамат қилиб, ҳақингни ол!

— Ундай бўлса, майли тўлашсин.

— Қанча?

— Қанча лозим бўлса шунча тўлашаверсин.

— Йўл қуриш учун неча кун ишлагансан?

— Кунини ҳисоблаганим йўқ. Одатда мен, тушдан кейин ишлайман.

— Тушгача нима иш қиласан?

— Тушгачами, ямоқчилик қиламан.

— Қанча пул топасан?

— Баъзи кунлари бир лев, баъзисида ярим лев. Гоҳида икки лев ҳам тушиб қолади. Аммо хотиним ҳам ёрдам беради. У ресторанда идиш-товоқ ювади. Яхшиям ўша ерда тамадди қилиб келади. Ўғлим эса уйли-жойли, рўзғори бўлак.

Бошлиқ менга ғалати қаради. Ҳатто кўз ойнагини олиб, менга тикилиб разм солди.

— Қизиқ, — деди у, — унчалик қари кўринмайсан-ку.

— Олтмишни уриб қўйганман.

— Ҳай майли. Ҳар куни йўл қурасанми?

— Айтдим-ку, тушдан кейин деб.

— Бунинг учун ҳечам пул олмаганмисан?

— Кимдан оламан? Ким уни менга беради? Ўзим йўл қуришни яхши кўраман. Мени ҳеч ким мажбурламайди. Аммо бир сафар нафақахўрлар истироҳат боғига олиб борадиган йўл қуриб беришимни, бунинг учун менга икки лев беришни ваъда қилишганди. Йўлни қуришга қуриб бердим, хизматимга ҳақ тўлаш уларнинг ёдидан кўтарилиб кетди.

— Агар ундай бўлса, — деди бошлиқ,— биз учун ҳам ишлаб берарсан?

— Хўп.

— Қанча сўрайсан?

— Қанча берсангиз йўқ демайман.

— Асбобларинг борми?

— Бўлганда қандоқ.

— Портлатгич-чи?

— Уни нима қиламан? Ўрмон чўчийди. Қушлар қўрқиб қочиб кетади.

— Агар йўл тушадиган жойнинг ўртасидан харсанг тош чиқиб қолса-чи, унда нима қиласан?

— Киркани ишга соламан. Кирканинг кучи етмаса, айланиб ўтаман. Мен қайси тошда илдиз бўлади, қайсинисида бўлмаслигини биламан. Баъзан шунақа тошлар учраб қоладики, жойидан қўзғатиб бўлмайди. Илдизи йўқ. Наинки тош, ҳатто одамнинг ҳам илдизи бўлмаса ҳеч нарсага ярамайди. На кирка ва на белкурак бўлсин, унга кучи етмайди. Атрофида минг айланганинг билан фойдасиз. Миқ этмайди. Шунинг учун кўйлагим бир ойга чидамайди-да. Тер чиритиб юборади.

— Унақа бўлса нима қиласан ўзингни уринтириб. Эшитишимча, сен ўтиб бўлмас жойлардан, тик жарликлардан йўл солар эмишсан?

— Теп-текис жойда йўлнинг нима кераги бор. Текис жойдан йўлсиз ҳам юрса бўлади-ку. Юриш қийин, тоғли, жарлик жойларда йўлнинг қадри билинади.

— Яхши. Хўш, ўша ўтиш қийин бўлган жойлардан ким юради, — сўради.

Қарасам, борган сари ишимга қизиқиши ортиб боряпти. Шунда ким қандай йўлдан юриши мумкинлиги тўғрисида батафсил тушинтира бошладим.

— Бирлари, — деб гап бошладим, — сайр қилишни яхши кўради. Аммо пиёда юришни ёқтириб қолган. Бошқаси, қизилча мевасини тергани чиқади. Кўпроқ нафақадагиларни тонг отмасданоқ тоғ йўлида юришгинини кўраман. Тоза ҳаводан нафас олиб юришади-да. Яна кимдир калласини, кимдир асабларини шамоллатади. Асабийлар-чи, бирлари миқ этмай юрса, бошқаси кулади. Бир куни биттаси мени бўралаб сўкди. “Нима учун чўққигача йўл қурмадинг”, дейди. Сабаби, жарликдан тепаликка кўтарилаётганида шими йиртилиб кетибди. Мен унга:

— Чўққида нима қиласан, вақти келиб у ерга ҳам йўл соларман, — десам, “Кутиб туришга сабрим йўқ, омонатимни топширадиган вақт яқинлашиб қолди, ҳозир чўққидан туриб атрофни томоша қилмасам, ўлганимдан кейин гўрдан чиқиб томоша қиламанми”, дейди.

— Бўпти, атайлаб сен учун йўл қуриб бераман, — дедим. Ҳозир ўша йўлни қуриш билан бандман. Харачов бўлса, Харачовни танийсанми? Қон босими борлиги учун пиёда юриши керак. Қорни катта, семиз. Бир куни у ҳам менга пўписа қилди: “Йўлни намунча тик қурмасанг? Ким учун ҳаракат қиляпсан? Бундай йўллардан одам юролмайди. Йўлни текис жойдан солсанг бўлмайдими? Шошмай тур, ҳали кўрсатиб қўяман”, деб ўдағайлади. Ўша Харачов учун текис ердан йўл солиб бердим. У йўлдан ҳозир дўхтир Шумков ҳам юрадиган бўлган. Чунки шу йўл тўппа-тўғри чашмага олиб боради-да. Сув ичиш осон бўлсин деб, тарнов ҳам ўрнатиб қўйганман. Роҳат қилиб сув ичасану ортга қайтасан. Ана кўрдингми мижозларнинг таъби қанчалик нозик бўлиб кетган.

Саёҳатчиларни айтмайсанми, аммо баъзилари миннатдорлик билдиришади ҳам. Қайси куниям, биттаси бир халта помидор билан сийлади. Софиядан ташриф буюргани эса: “Сенга медаль олиб беришга ҳаракат қиламан”, девди, аммо “туризмнинг буюк жонкуяри” дедими, “туризм бунёдкори” дедими, гапига тушуна олмадим. Менимча биронта фирқа аъзоси бўлса керак.

“Сен ўзимизнинг одамсан, ташаббускорликда ҳаммамиздан ўзиб кетдинг”, дейди. Жудаям ҳазилкаш, хушчақчақ экан. Улар бир соатдан кўп атрофимда гирди-капалак бўлишди. Фақат биттаси жуда бадқовоқ экан. Қўлимдаги супургини кўриб, “уни нима қиласан?” — деб сўради.

— Майда тошларни супираман.

— Уларни нима учун супурасан?

— Биронтаси оёқяланг юргиси келса, товонига ботмасин дейман-да!.

— Ҳозирги замонда ялангоёқ юрган одамни кўрдингми? — деб бақириб қолса бўладими.

— Болгарияда биронта ялангоёқни кўрдингми? Нима, сен Болгарияда одамлар ялангоёқ юради, демоқчимисан? Қани, шахсингни тасдиқловчи ҳужжатингни кўрсат-чи! Паспортингни бу ёққа бер!

— Сенга паспортим керакми, ма, кўр,— дедим. Влашо бўламан. Хоҳласанг ҳам хоҳламасанг ҳам Влашонинг ўзиман!

— Тиржай, — деди у. — Тишингни кўрмоқчиман. Расмингдагини ранги бошқача кўриняпти.

Мен тишларимни унга кўрсатдим.

— Нима учун оғзингдаги тишларинг сунъий?

— Демак, ўзимники тушган.

— Нега паспортингда сунъий эмас?

— Паспортим эллик учинчи йилда берилган. Ўшандан бери озмунча вақт ўтдими?

Шундан кейин паспортимни қўлимга тутқазди-ю, йўлга ёпишди.

— Бу ишинг учун ким сенга ҳақ тўлайди?

— Ҳеч ким!

— Демак, текинга ишлаяпсан?

— Демак, шундай.

— Қани олдимга туш-чи, “Жамоа кенгаши”га борамиз. Кўрайлик-чи, бу саховатпеша қаёқдан пайдо бўлдийкин?

Яхшиямки атрофимдагилар мени ёнимни олиб, ўртага тушишди. Омон қолдим. Лекин шундай бўлса ҳам, орқаворотдан мени кузатиб юрди...

Менинг гапга тушиб кетганимни кўриб бошлиқ бир чеккада қулоқ солиб турарди.

— Гапиравер Влашо, жуда қизиқ. Сен гапириб тургунинг қадар мен бош ҳисобчига қўнғироқ қиламан, сенга йўл созловчилар уст-бошини беради.

— Бош ҳисобчи рози бўлмайди, — дедим дарров.

— Нега энди? Сен уни танийсанми?

— Буни танимайман. Аммо “Ўрмон хўжалиги”даги ҳисобчига ишим тушган.

Ёзда кўпинча ишчи қўли етишмайди ўзи. У ялиниб-ёлворди, хўжайни: “Пулгами, пулсизми, илтимос қил, ёрдам берсин”, дебди. У:

— Йўлларни сув ювиб кетган, Худо кўрсатмасин, юк машинаси ағдарилиб нетиб ўтирмасин ёки одам тойиб кетиб, бир корҳол юз бермасин деяпти, шунга рози бўлгин, — деди.

Йўқ деёлмадим. Аммо мен бор-йўғи бир кунгина ишладим. Эртасига ишга борсам, хўжайини: “Жўна”, деб қолди.

— Нима гап? — сўрадим.

— Бу гап иккаламизнинг ўртамизда қоладими, — тасдиғини олгач, гап бошлади у. — Бош ҳисобчимиз, “яхшиси эси пастлар билан илакишмаганинг дуруст. Яна бирон-бир фалокат рўй берса, “нега бегона одамни қонунсиз ишга олдинг” деб судра-судра қилишади. Унақалар бизга керак эмас, ҳайдаб юбор”, деяпти, нима қилай,— деди.

Шундан кейин ўрмон қоровули мени ишдан бўшатиб юборди. “Дўхтирдан справка олиб келсанг, марҳамт ишлайвер” деганини, менинг вақтим борми...

— Ҳеч тагига етолмаяпман. — деди йўл бошқармаси бошлиғи, — нега энди текинга пул олмай ишлайсан? Ахир пул олишинг мумкин-ку?

Шунда мен унга яқинда бўлиб ўтган бир воқеани айтиб бердим. Хўв, юқоридаги сойликда йўл қурувчилар билан учрашиб қолдим. “Сен хом калла, нега энди бепул ишлаб, нархимизни пастга уряпсан. Биз пулга ишларканмиз-у, нега энди бу текинга ишлар экан?! Нима учун?!”— деди бири.

Битта иприсқиси эса тўсатдан, “қани йигитлар бу тентакни дарёда бир чўмилтириб қўймаймизми? Уни ким ҳам эслаб, дод-вой қиларди?” — деса...

Агар дарахт кесувчилар келиб қолишмаганда, дарёга улоқтириб юборишлари ҳеч гап эмасди.

— Газанда, сени жойинг, жиннихонада! Ҳали шошмай тур, эсингни киритиб қўямиз! — дея жўнаб қолишди.

Ўзингиз биласиз, мен йўл қуришни яхши кўраман, шунинг учун қураверaман. Ўрмонга кирсанг чор атрофингда тош-тўнка, шағал чакалакзор. Бундай қарасанг, тўғрингда теп-текис йўл турибди. Олдин чакалакзор, тиканзор бўлган жой ўрнида, сип-силлиқ, равон йўл пайдо бўлиб қолган. Олдинлари чакалакзор бўлган жой ўрнида бугун, одамлар сайр қилиб юришибди... Атрофга қулоқ солишади... Ёшлар қўлтиқлашиб сайр қилишади...

Ҳамма нарсага жон битгандек бўлади. Пуллик бўлса бу энди бошқача туюлади. Одамларнинг юзидаги табассум ҳам бошқачароқ бўлади. Бир сафар йигит билан қиз бошлашиб юришган, дарахт шохларини бутаётганимни кўриб “жуда ҳам калта кесиб юборманг, кексалар жуда қизиқувчан бўлади, бизни ортимиздан мўралашмасин. Биз учун яширинадиган жой қолсин”, деб роса хурсанд бўлишди.

Ҳар кимнинг хоҳиши ҳар хил бўларкан. Мана дарахт кесувчилар учун ҳам йўл керак. Ўшалар мени йўл қурувчилар қўлидан қутқариб қолишди-да. Ҳалиги пул учун йўл қурадиганларнинг қўлидан!

Баъзи-баъзида печга ўтинга деб тараша, шох-шабба ташлаб кетишади. Шамоллаб қолганимда, ўрмондан гиёҳ ўтларни олиб келиб беришди, ҳаммомда роса буғлашди, хуллас, оёққа турмагунимча хабар олиб туришди.

— Ҳай-ҳай, сен бизга кераксан, ўлишни хаёлингга ҳам келтирма! — деб тайинлашди улар. Ҳурмат қилсанг арзийди, хушчақчақ одамлар. Агар улар бўлмаганида, дарёда чўкиб, тўппа-тўғри нариги дунёга равона бўлишим аниқ эди. Боя айтганимдай, хотиним уйда кам бўлади. Ресторанда идиш ювувчи бўлиб ишлайди. Саксон лев олади. Ўша ердан қорнини тўйғазиб ҳам келади.

Ҳар бир йўлнинг ўзига яраша йўриғи бор. Мана, масалан, биттаси Келе шаҳрининг энг баланд чўққисигача олиб чиқади. Сизни бошлаб кетаверади., бошлаб кетаверади, қарабсизки, тоғнинг чўққисида турибсиз. Ана сенга томоша. Пастликда бутун бир шаҳар, ўтлоқ, ўрмон. Бошқа жойдан бутун шаҳарни кўриб бўлармиди-а?

Бошқа йўл эса тўппа-тўғри чашма ёки булоқ бошига олиб боради: шу ерда йўл тўхтайди. Мазза қилиб, қониб-қониб, тўйгунингча ич! Нафасингни ростла, ҳордиқ чиқар, бекордан-бекорга шошилма! Хоҳ шошил, хоҳ шошилма ҳаммамизнинг борадиган жойимиз тайин. Ўтган йили бир йўлни Равдинодаги арвуғон дарахтининг тагигача олиб бордим. Кекса арғувон. Дарахт қадимий бўлишига қарамай, чаман бўлиб гуллаган. Остида ўтириб тўйиб, тўйиб нафас оласан. Дунёда бунақанги латиф ҳидни ҳеч ерда ўзинг бир ўйлаб кўр: йўл бўлмаса арвуғон қаёқда эди? Мен унга “Арвуғон йўли”, деб ном қўйдим. Ажабки, номи тилларга тушиб қолди. Бир куни қарасам, ўша йўлдан бир йўловчи тушиб келяпти. Қаердан келяпсан, биродар, деб сўрасам, “Арвуғон ёнидан. Сайр қилиб қайтаётибман”, дейди.

Бошлиқ менга тикилганича анграйиб қолди.

— Қизиқ, — деди у, — жуда ҳам қизиқ!

Мен яна гап бошладим. Бир вақтлар қишлоқ бўлган жойлар энди ҳувиллаб қолган. Аммо йўл жойидан жилмаган. Бу йўл қаёққа олиб бораркин, деб ўйлаганча шошилмай кетяпсан. Бирдан олдингдан кенг ялангликка чиқиб қолади. Шудгорни ёмғир суви ювиб кетган. Аммо йўл, шу ерда шудгор бўлганини тасдиқлаб турибди. Атрофга қарайсан. Хирмонга кўзинг тушади. Ана шунақа сўқмоқлар ҳам бўлади. Бошқа бир йўл айлантира-айлантира ташландиқ конга олиб чиқади. Ўйдим-чуқур, тош деворларга кўзинг тушади. Демак, бу ердан тош ташишган. Учинчиси баланд-паст, ёнбош томонга бурила-бурила деворга рўпара қилади. Демак, қадимий қўрғон рўпарасида турибсан.

— Хўш нима бўпди? — сўради бошлиқ, — нима сен ўша қўрғонни ҳам таъмирлай оласанми?

— Бу энди қўрғонни қанақалигига боғлиқ. Баъзан “ўтган ишга саловат”, деб қўл силтаб қўяқоласан. Мана, масалан далани олиб кўрайлик. Ўлик дала кимга керак? Ёки вайрон бўлган қўрғон? Агар ундан одамларга бирон-бир наф тегадиган бўлса, таъмирлайман. Агар шу ерни суви, салқин жойи, олов ёқишга ўтин-чўпи бўлса, одамнинг кўзи қувонади, ундай бўлса тузатаман...

— Демак сенинг-ча, — дейди бошлиқ,— агар гапингни тўғри тушунган бўлсам энг муҳими гўзаллик экан-да?

— Ҳа бошлиқ, тўғри топдингиз, — дейман. — Агар гўзаллик бўлмаса бунақанги дунёни кимга керакги бор?

— Агар сен учун ҳамма гап гўзалликда бўлса, тил топишиб кетамиз. Сенга чиройли коржома берамиз.

У телефонни олиб бош ҳисобчига қўнғироқ қилди.

— Алло, Дидов? Олдимга кир, бир иш чиқиб қолди.

Бош ҳисобчи келди.

— Мана бу йўлсозга махсус уст-бош— коржома бериш керак. У туманимизда текинга йўл қуриб беряпти. Мана шу, — деди у, — Влашо бўлади. Иссиқроқ кийиминг борми? Ҳозир, куз фасли намгарчилик, ўпкаси шамоллаган экан, уни эҳтиёт қилишимиз керак.

Бош ҳисобчи эътироз билдирмади.

— Тўғри айтасиз, — деди у.

— Беҳуда овора бўлманг, — дедим, — арзимайдиган нарса.

— Арзимайди деганинг нимаси? — бақирди бошлиқ. — Сен, ўзинг арзимас нарсамисан? Бутун шаҳарда сен ҳақингда гап тарқаб юрган бўлса-ю, сени яланғоч қолдириб бўлармиди? Эртага шамоллаб нетиб, омонатингни топширсанг нима бўлади?

Ҳали сенга нафақа ундиришга ҳам ҳаракат қилиб кўрамиз. Агар иш вақтида бирон кор-ҳол рўй бериб, майиб-мажруҳ бўлсанг, қарабсанки, ҳамёнингга нафақа пули тушиб турибди.

— Агар фалокат рўй бермаса-чи, — савол бердим уларга.

— Унда ўзинг бир иложини топасан. Нега куласан? Иложи топилмайди деб ўйлайсанми? — у менга синовчан тикилди.

— Нега топилмас экан? Одам борки, ҳар нарса қилиши мумкин!

Бошлиқ бирдан сақраб турди, менга ўшқира кетди:

— Ҳали муттаҳаммисан! Қаллоб экансан-ку! Нега бунақа ҳар хил гапларни гапираяпти десам, ў муғомбир! Демак, ўзингни ўзинг майиб қилиб-а, нафақа ҳам ундирмоқчисан? Кўрдингми, Дидов! Мана бу авлиёга бир қара. Мана бу ҳалол авлиёни кўриб қўй! Қуруқ “раҳмат” учун йўл қурармиш! Олийҳиммат! “Нега энди ҳар хил, эси пастлар йўл қуриб юрибди-ю, бошқарманинг парвойи палак”, деб мендан яна тушунтириш хати талаб қилишади-я. Йўқол кўзимдан! — бақирди менга қараб. — Ўрмонда оёғинг изини ҳам кўрмай! Агар кўриб қолсам прокурорга топшириб юбораман, —тур йўқол!

Мен чиқиб кетдим. Нима ҳам қилардим! Бу ҳаётда ҳар кимнинг ўз йўли бор деб, айтмабмидим...

Ҳаммадан кўп алам қиладигани, шу-шу ўрмонга киритмай қўйишди. Аттанг! Ҳали яна қанчадан-қанча йўл қуришим керак эди-я!...

**Рус тилидан**
**Жўра МАҲМУД таржимаси.**

## ЁШЛАР ОВОЗИ

***Яқинда Республика ёш ижодкорларининг навбатдаги анъанавий Зомин семинари бўлиб ўтди. Маълумки, мазкур анжуман ҳар сафар ёш ижодкорларни кашф қиладиган адабиёт танлови, устоз ижодкорларнинг ёш қанотларга ўгит ва тавсиялари бериладиган унутилмас чиқишларга, таъбир жоиз бўлса, ижод ва маҳорат дарсларига айланади. Бу йил ҳам Зомин – мафтункор масканда юртимизнинг барча гўшаларидан келган кўплаб ижодкор ёшлар орасида ўз овози, умидли сўзига эга иқтидорлар бўй кўрсатди.***

***Қуйида “Hurriyat” муштарийлари эътиборига ана шундай топилдиқлардан икки нафари – хоразмлик Умиджон Қўзиев ва қашқадарёлик Собиржон Абдужалиловларнинг ижод намуналаридан эълон қилишни лозим топдик.***

**Умиджон ҚЎЗИЕВ 1998 йилнинг 18 июлида Хоразм вилоятининг Шовот туманида туғилган. Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари иштирокчиси.**

### ЙЎЛ

*Ўзинг бир йўл ярат, ҳеч ким юрмаган,*
*Тушсин фақат сенинг қадаминг изи.*
*Майли, тикан бўлсин, майли,*
*чуқурлар,*
*Уфуриб турса бас гулларнинг иси.*

*Томиридан чопиб тиканларини,*
*Йўлингни гулзор эт, равон эт,*
*дўстим.*
*Йўлингда ҳар гиёҳ меҳнатинг боис,*
*Гул бўлиб кўкарсин, гул бўлиб ўссин.*

*Бироз сабрли бўл, бироз чидамли,*
*Чарчаш ярамайди йўлнинг сўнгида.*
*Яна бир одим от, кейин ҳар куни*
*Шодон уйғонасан бахтнинг тонгида.*

* * *

*Руҳим, мени тингла, англа сўзимни,*
*Гар бош эгсанг, тилар ажал кўксимиз.*
*Энг тотли, энг гўзал куйларни куйла,*
*Шодликка ўргансин қулоқ, кўзимиз.*

*Руҳим, бўйин эгма, қилич бўл, қилич!*
*Кескир бўл!*
*Андуҳнинг томирларин кес!*
*Ҳар қадам, ҳар дамда юрак зарбида,*
*Бахтни сез, бахтни сез,*
*фақат бахтни сез!*

* * *

*Оппоқ далаларда оққа бурканиб,*
*Пахталар термоқда юраги оқ қиз.*
*Дилимга ўт қалаб қўйган ғойибий,*
*Бугун қаршимдадир кўнгли уйғоқ қиз.*

*Табассум порлайди нигоҳларида,*
*Тунни ҳам нурафшон қилади ойсиз.*
*Товланиб туради юзларида нур,*
*Кунлари қуёш қиз, кечалар ой қиз.*

*Тасодифми, тақдир, учрадинг бугун,*
*Юрагим тўхтади чекишдан озор.*
*Сенинг ҳаётимга учрашинг сабаб,*
*Оппоқ далалардан катта қарзим бор...*

* * *

*Оҳиста яқинлар лабларим найга,*
*Дудоқлар жуфтланса бўлар қиёмат.*
*Жўръатим етмас, вох,*
*найни чалишга.*
*Аммо...*
*Ташлаб кетолмайман сени омонат*

*Куй бўлиб оқади кўзимдан томчи,*
*Оппоқ куйларимга тушасан рақс.*
*Томчилар тинади....*
*Чалинади най,*
*Найни сен чаласан юраги оқ қиз.*

*Бу куйга тушамиз мангу рақсга...*

* * *

*Тор қафасин ёриб чиққудай,*
*Хўп интиқиб урарди юрак.*
*Сенинг номинг, хаёлинг ила*
*Тоғдан эди орзулар юксак.*
*Энди менга эртаксан, эртак...*

*Наъра тортар сенсиз юрагим,*
*Кўкси қонли ярадор шердай.*
*Жаранглайди энди сўзларим*
*Ишққа тўла ҳазин бир шеърдай.*
*Ўзим эса ердайман, ердай...*

*Шууримда айланган гир-гир*
*Орзуларим энди армонлар:*
*Сенга етай деганда, ахир,*
*Синиб кетаверди нарвонлар.*
*Сендан яқин экан осмонлар...*

**Собиржон АБДУЖАЛИЛОВ 1999 йилнинг 23 сентябрида Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида туғилган. Ҳозирда Қарши давлат университетининг 3-босқичида ўқийди. Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари иштирокчиси.**

### АММО...

Тун – ҳомиладор аёл,
Сени туғиб берар ҳар тонг субҳга.
Дардга чайиб олар нигоҳи – маҳзун,
Дунёга сиғмаган севги – талваса.

Ўйлайсан ўзингни бахтга елкадош,
Санасанг, сочингнинг толаси омад.
Ҳаммаси жойида бўлади, аммо,
Кечаги юрагинг – ўзингникимас!

### АГАР

Эрксиз қушлар қафас ичида
Йиғламиш, ҳасрати бир олам.
Бунда юрак еб, бахтдан
Севинади ғафлатманд одам!

Занжирлар қисмати норизо,
Қулликда туғилмиш бор истак!
Тақдирга тан бериб, умрни,
Қанийди, музаффар этолсак!

Осмонни оларди ишқимиз...

* * *

*Уйимизда яшаш зерикарлидир.*
**Фуруғ ФАРРУХЗОД**

Соғиниш гуллайди,
Куртак ёзар дард.
Отам тамакида ҳасратин чекар:
Юраги торликни билмас онамнинг
Муҳаббати кезиб юрар ҳавода.

Чинқириқ келади ҳар бир хонадан,
Бурчак-бурчагидан қаҳ-қаҳ отар Ишқ!
Жойнамоз устида тасбеҳ айтадир
ва пичирлаганча Соҳибин ёдлар.

Дарахтлар йиғлайди ўз қисматидан,
Кетиб қолмоқ бўлар қўшнимникига.
Итимизнинг елкаларига
Тунни оқартирмоқ залвари тушган.

Йилда саккиз марта туғади мушук,
Оғироёқ юрар бекорчилигим.
Ногоҳ англаб қолдим: уйимда фақат
Ўзимга жой йўқдир – исботлаганим.

### СЎНГСЎЗ

Мен қотиллик қилдим
Ўзимга ўзим.
Сени тополмадим, умрим мазмуни.
Энди кетиб борар, энди унутган,
Ишқимнинг ярмига эга эмасман.
Исёним ичимда, жимлигимда.
Нафратим жудаям кичкина –
Кучсизман, тан олай:
Сиғинган худойим – номардлик!
Алҳазар,
Сен мени кечиргин, ё Раббий,
Мени қайта яса ўзимдан.
Мени унут қилиб юбор ва лекин,
Сеники бўлганман бир умр!
Сеники бўлганман бир умр!

## МУТОЛАА

# ВАТАН ҲАҚИДА ТУГАНМАС ҚЎШИҚ

***Шоирни ҳар доим муқаддас Сўз чорлаб туради. Шоирнинг нигоҳи олисларга – ўзининг, ўзгаларнинг кўнглига, мўйсафид тоғларга, кайвони теракларга, қадимий чинорларга, янги ниҳоллари бўй чўзган боғларга, ёруғ манзилларга элтувчи йўлларга қадалган бўлади. Шунда, ишонинг, унинг қулоғига кимдир шивирлаб сўзларни айтиб турган бўлади. Шоирнинг яхшиси шундан маълумдир. Эшитган айтимларини чалғимасдан илғай олган шоир Сўзни қалбида авайлай олади, уни қоғозга тушира олади. Сўз вафонинг, Сўзга ошиқликнинг охир-оқибати шулки, у барчамизнинг тилимизда, дилимизда шеър бўлиб жаранглайди.***

Ғайрат Мажид туғилган маскан – Китоб тумани тоғли, баҳаво жойлардан. Сайру томоша айласангиз, тоғларига, яшиллик кўзингизни қувнатса, боғларига, сувидан ичсангиз, булоғига, шеър эшитсангиз, шоирига ҳавасу меҳрингиз ортади. Шундай экан, бугунги ўзбек адабиётида ана шу воҳа фарзанди Ғайрат Мажид деган шоирнинг ўз ўрни бор эканлиги бежиз эмас.

*Ҳам гул, ҳам дил – бўстон юрт,*
*Кўксимдаги иймон юрт.*
*Тинмай айтгим келади,*
*Ичим тўла достон юрт.*

Шоирнинг яқинда "Шарқ" нашриётида чоп этилган салмоқли ҳажмдаги "Беш дарс" китобидан ўрин олган бу шеър ўзи туғилиб ўсган Хўжаилмкони қишлоғи ҳақидадир. Киндик қони томган тупроқ муҳаббати инсон қалбида ҳар доим бус-бутун, чексиз, тугалдир. Ана шу муҳаббат шоирнинг кўксидаги иймоннинг ўзидир. Шоирнинг ичи тўла достон эканлиги ҳам шундан.

Жами бешта дарсни ўзида жам этган китобнинг "Биринчи дарс"ида Ватан, она тупроқ, бу тупроқдан мангу қўним топган улуғ инсонлар ҳақида. Шеърларни ўқиб англаймизки, шоир туғилиб ўсган қишлоқда муқаддас зиёратгоҳ бор. Бу Ҳазрати Хожагий Имканагийдир. Маълумки мавлоно Имканагий нақшбандия тариқатининг муршиди комилларидан бўлган. Зиёратли маскан ҳақидаги ушбу шеърда шоирнинг руҳий покланиш эҳтиёжи сезилади:

*Оппоқ туйғулар-ла поклаб руҳимни,*
*Топиб олгим келар ўзимни йўқлаб,* – дейди шоир.

Бу табаррук маскан шоирнинг болаликданоқ шаклланган қарашларини анча улғайтирганига, асосийси таъсирчан ибораларга, фавқулодда фикр айтишига ҳисса қўшиб турганини илғаш қийин эмас.

*Ҳазрат Имканагий, ҳазрат бобожон,*
*Бўғзимни тирнайди нурли бир нидо.*
*Тупроқда ётиб ҳам юксаксиз кўкдан,*
*Сизга етказсайди мени ҳам Худо.*

Ўтмишдаги авлиё боболаримиздан бўлмиш ҳазрат Имканагий ҳақидаги яна бир шеърда шоир қалбининг туб-тубидаги мунгли дард ҳам соғинч шаклида намоён бўлади. "Умрим соғинч деган йўлдир, Ҳазратим" деган сатрнинг ўзидаёқ дилингизда аллақандай соғинчни туясиз. Шундай дамда она тупроқнинг ҳидига тўйгинг, майсаларини силаб, унинг меҳрини туйгинг келади. Тупроғу тошларини силаган кафтингдаги титроқ қалбингга кўчади. Қалбингга тўпланиб бораётган бир дунё орзую армонлар умрингни соғинч деган йўлга айлантирганини англайсан.

Аслида шеър инсонни инсонга англатадиган мўъжизадир десак муболағамас. Ҳа, шундай. Сўздан-сўзга, сатрдан-сатрга, шеърдан-шеърга кўчган сайин шоирнинг қалби, қиёфаси, таржимаи ҳоли аёнлашаверади. Биз шеърларни ўқирканмиз, шоир Ғайрат Мажидни таниймиз. Қишлоқдан пойтахтга келиб, Ватан меҳри қалбини бирзум тарк этмаган шоирнинг ота-онаси, оиласи борасида сўзловчи шеърлар "Иккинчи дарс" да ўзига хос тартиб берилган.

Эгнига оқ халатини илиб, дори-дармон, ширин сўзи билан одамлар дардига малҳам бўлган шифокор отанинг ўғли бугун руҳий эҳтиёж – Сўз айтишга бел боғлаганининг ўзида ҳам ўхшаш мантиқ бордай, менимча. Шеърларни ўқий туриб, ҳозирда марҳум отанинг "чопонини қучиб йиғлаётган" шоирнинг армони сизни ҳам бир қадар маъюс торттиради. Бундай армон бошқа шеърларда ҳам ўзига хос таъсирчанликни оширган. Айтайлик, "Айвонимда қалдирғочларга..." сарлавҳали шеър ҳақида шундай дейиш мумкин.

*Булбуллакда қолган ай дунё,*
*Умр шундай бевафосанми,*
*Айвонимда қалдирғочларга,*
*Тўйиб-тўйиб йиғлаб берсамми?*

(Ватанга бўлган юксак муҳаббат шоир шеърларида туғилган юртдаги жой номларида ҳам акс этади. Шоир айрим шеърларида Булбуллак, Қирққизтепа каби сўзларга кўп мурожаат этган. Ш.О.)

Инсон ҳаётида ота-она, ака-ука, опа-сингил ва фарзандларнинг ўрни муҳимдир. Уларга бўлган меҳримиз ҳаракатларимизда, муносабатимизда яққол кўринади. Шоир эса бу муҳаббатини Сўзда кўрсатиб бера олади. Аммо қай даражада? Кимдир бир-икки шеър билан, кимдир эса вақти-вақти билан бу мавзуга мурожаат қилади. Оиланинг мунис ва мушфиқ аъзолари – сингиллар ҳақида ижодкорларимиз бир-икки шеър билан кифояланганини кўрамиз. Мен Ғайрат Мажид ижодида бунинг аксини кўрдим. Шоир йўл қарагувчи, аканинг меҳрига интиқ сингиллар ҳақида кўп ва хўп ёзган. Шоирнинг ана шу жиҳатига янада ҳавас қилганимни яширмайман.

*Қийналсам, мендан кўп чекар озорлар,*
*Азиз сингилларим – қалдирғочларим* – дейди шоир.

Яна бир шеърида эса:

*Сингли бор акалар доимо бахтли*, – дейди. Ёки:

*Мен ҳамон юрибман, тугамайди йўл,* –

деган сатрда шоирнинг Сўз йўлида заҳмат чекаётганини англаш билан бирга мушфиқ сингилларнинг йўл қараётганини ҳис қиласиз.

"Учинчи дарси"ни шоирнинг буюк аждодларимизга, яъни Соҳибқирон Амир Темур, ҳазрат Алишер Навоий, Нақшбандий, Мирзо Бобур, Махтумқули, Мулло Нафас, Соғуний, Қодирий каби буюк зотларга эҳтиромининг рамзи дейиш мумкин. Китобда "Буюк шажара пайвандиман" деб номланган шеърий туркум Ҳиндистон сафарига бағишланган.

*Қалби қулф касларга Худо бас келсин,*
*Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?*

Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг армонини ҳис қилган шоир Бобурга хаёлан мурожаат қилади. Бу мурожаат худди "Тўхтанг, Ҳазратим, қайси юртларга бош олиб кетмоқдасиз, юртда қолинг" деган илтижо каби қалбимизда янграмайдими?

Шоирнинг Ҳинд сафаридан олган таассуротларини сўзлаб беришдан ташқари "муҳим гапларини" айтиб олиш нияти ҳам борлигини англайсиз. Бундай шеърларда шоирнинг юртга, аждодларига янада дахлдорлигини кўрамиз.

"Ҳиндистон дафтари"даги шеърларда шоирнинг мамнунлиги, дардидан ташқари афсус-надомати ҳам мужассам. Шоир Ҳинд юртининг туризм масканларида ҳайкал сотиб турган кишиларни кўради. Бу ҳайкалчалар уларнинг Худоси эмиш. Ҳиндларнинг кўпчилик қавми шу ҳайкалчаларга сиғиниши ва савдо аҳлининг бу ҳайкалчаларни сотиб туриши шоирда ажабтовур таажжуб уйғотади.

*Ачинаман жуда бу ночор одам,*
*Кун кўради сотиб худоларини,* –

дея кўнгилларни ларзага солади, ўйга чўмдиради.

"Тўртинчи дарс" севги-муҳаббат мавзусига бағишланган. Муҳаббат мавзусида ёзмаган шоирни шоир ҳисобламаслигимиз нимадан экан-а аслида?! Муҳаббат гўзал ифода қилинган шеърлар учун ҳар қанча таҳсин айтамиз. Ҳар қачон унда яхши ҳис-туйғуни туямиз, шеърлардаги муҳаббат бизни ранго ранглиги билан ўзига тортаверади, тортаверади. "Дарс"даги барча шеърларни ана шундай ҳаяжон билан ўқийсиз.

Айниқса, "Нилуфар" туркумида севги-муҳаббатли ҳолатни жуда гўзал тасвирлайди:

*Ойу юлдузларни қошига чорлаб,*
*Сувлар билан суҳбат қураётган гул.*
*Нилуфаргулим-а, нилуфаргулим,*
*Кўзларим сен томон бошлаяпти йўл.*

Ой ва юлдузларни қошига чақириб, сув билан суҳбат қураётган гул, яъни маъшуқасининг ҳузурига интилаётган ошиқнинг ҳоли кўз олдимизда гавдаланади. Шундаймасми?

Шоирнинг муҳаббат мавзуидаги ҳар бир шеъри таҳлил этишга арзигулик аслида. Бу шеърларнинг ҳар бирида алоҳида-алоҳида оҳанг бор. Бу оҳанглар сизга ҳамиша ҳамроҳ бўлиши шубҳасиз.

Ҳар қандай шоирнинг дунё, ҳаёт умрга бағишланган, фалсафий қарашлари акс этган шеърлари бўлади. Бу Ғайрат Мажид ижодида ҳам муҳим ўрин олган. Дарвоқе, ана шундай умуминсоний мавзуларга бағишланган "Бешинчи дарс"нинг "Дуо" сарлавҳали шеър билан бошланишида ўзгача ҳикмат аён бўлгандек:

*Ҳар кун Ҳақ йўлинда бир ижод бўлсин,*
*Шул ижод ҳам қанот, ҳам нажот бўлсин,*
*Тилингда, дилингда муножот бўлсин,*
*Умрингга пок ҳикмат тортиқ айласин,*
*Ғаму андуҳлардан фориғ айласин.*

Ушбу китобда яна ғазал оҳангини берувчи "Яхши" радифли бармоқ вазнидаги шеър халқоналиги, юракка яқинлиги билан ўқувчини ўзига оҳанрабодай тортади:

*Чала ярим пойма-пой,*
*ноланг қўшиқ бўптими,*
*Юрак айтган битта сўз,*
*мингта достондан яхши.*

Ҳа, инсоннинг умри бир бутунликдан иборат. Аммо кўнгилнинг ярим бўлишини, одамзоднинг кўп ишларга улгурмаслигини, армонларини "Юзма-юз" шеърида дилдан ҳис қилишга, англашга муяссар бўласиз:

*Дунё, менми, шундай наргисдай жусса,*
*Яримта кўнглимда ўйларим бутун.*
*Эй, сен кўзларимни яшнатган ғусса,*
*Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.*

Ва бир марта келган одамнинг "Мен минг йил йиғлайман бир сўз айтгунча" деган ноласини эшитиб юрагингизга тўлқин киради. Не бахтки, бир сўз айтиш учун "минг йил нола қилишга" тайёр одамнинг кўнгил олами сизда не-не таассуротлар қолдирмайди.

Шоир сўзи туганмасдир. Унинг айтмоқ бўлган сўзлари доим қаламининг учида туради. Бундан кейин ҳам катта сўзлар айтишга бел боғлаган Ғайрат Мажиддек катта ижодкор қаламининг учида биз ўқимоқчи бўлган янги сатрлар бўй кўрсатиб турганига шубҳа йўқ. Ушбу китобдаги якуний дарснинг якунидан жой олган шеърнинг "Тугамайди қўшиғим" деб номланиши ҳам бежиз эмас. Чунки, бу Ватан ҳақидаги туганмас қўшиқдир:

*Мен ошиқман, шу боис*
*Олчи бўлар ошиғим.*
*Дунё тугаб кетса ҳам,*
*Тугамайди қўшиғим.*

**Шоди ОТАМУРОД,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

## ТАФАККУР

### "Баъзан икир-чикир нарсаларга аҳамият бермаслик керак"

Ғамгин бўлма – йўқотган барча нарсаларинг сенга бошқа кўринишда қайтиб келади.
**Жалолиддин РУМИЙ**

Барчанинг жонига тегар даражада шафқатсиз ва учраган кимса сени туртиб кетар даражада юввош бўлма.
**Саъдий ШЕРОЗИЙ**

Кўрдимки, вақтини "эссиз", "қанийди", "кошки"лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.
**Нажмиддин КУБРО**

Бир соатлик тафаккур, кечаси билан қоим туришдан яхшироқ.
**Ҳасан БАСРИЙ**

Одамлар кўпинча ўзларининг вақтинчалик бахтсизликларини дунёдаги энг муҳим нарса, деб ҳисоблайдилар.
**Луи АРАГОН**

Ҳаддини билган ҳурматини йўқотмайди.
**Икром ШАРИФ**

Баъзан ҳамма икир-чикир нарсаларга аҳамият бермаслик керак, йўқса бу сени энг бахтсиз одамга айлантиради.
**Ф. ДОСТОЕВСКИЙ**

Жуда кўп одамлар касалликлар сабаблигина эмас, ўзларини аслидагидан кўра улуғроқ кўрсатиш деган дарди бедаводан ҳалокат топадилар.
**Чингиз АЙТМАТОВ**

**ЭЪЛОН**

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2013 йил Саъдуллаева Нигора Шуҳратилла қизига берилган К № 3168589-сонли "Коммутация тизимларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш техниги" касби ҳамда "Коммутация тизимлари оператори", "Мобил алоқа база станцияларига хизмат кўрсатиш" ихтисосликлари тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## ХАЙРЛИ ИШ

***Дунёда ҳар қайси давлат, қайси бир халқ борки, биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратли ҳисобланади. Бундай енгилмас куч манбаи эса ҳеч шубҳасиз инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти бўлмиш китоб ва кутубхоналардадир.***

# ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДА КИЧИК КУТУБХОНА

*Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номидаги маҳаллада электрон кутубхона ва миникутубхона ташкил этилди. "Очиқ осмон остидаги мини кутубхона – мутолаа ҳамда тиббий маданиятни юксалтиришнинг янги усули" номли тадбирда иштирок этган Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг раиси Адҳам Шодмонов парламент комиссияси томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоат уюшмаларининг эътиборга сазовор, эл-юртга муносиб хизмат қилаётгани ҳақида тўхталди. Шунингдек, янги лойиҳа ва ташаббуслар ҳамиша қўллаб-қувватланаётгани, юртимизда маънавиятга бўлган эътибор бугун ҳар қачонгидан ҳам юксаклиги ҳақида фикр билдирди.*

*— Миникутубхона лойиҳаси болалар ва катталарни 24 соат китоб билан таъминлаш имконини беради. Бугун бу лойиҳа натижасида АҚШ давлатида йилига минглаб кишилар ўзаро китоб алмашиб мутолаа қилади. Энди бу тажриба бизда ҳам мавжуд. Фуқаролар миникутубхонадаги бирор китобни уйига олиб кетса, ўрнига бошқа китоб ташлаб кетади. Олган китобини ўқиб бўлганлар яна жойига қайтаришади. Шу тариқа одамлар бир-бирига зиё улашишади, — деди Адҳам Шодмонов.*

*Эътиборлиси, миникутубхона Яккасарой туманининг тўртта туман кесишган жойида, соя-салқин анҳор бўйидаги болалар майдонига жойлаштирилди. Фаввора, ўриндиқлар ва турли арғимчоқларга бой бу маскан бугун оналар ва болалар билан гавжум.*

*Қулай томони, миникутубхонада QR-кодли китоблар афишаси ҳам жойлаштирилган, уни телефон ёки ноутбукка юклаб олиб, уйда бемалол ўқиш имкони ҳам мавжуд.*

**Раъно ЗАРИПОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

## ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

**"KO'CHMAS MULK FINANS INVEST"**
**масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

***Очиқ аукцион савдоларига "TOSHSHAHARTRANSXIZMAT" АКга қарашли "TOSHKENT TRAMVAYI" унитар корхонаси ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулк объектлари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда:***

**1-ЛОТ.** *Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли ва Оқ йўл кўчаси манзилида жойлашган, умумий қурилиш майдони 70 кв.метр, фойдали майдони 55,25 кв.метрдан иборат бўлган №39-сонли "Тол-Ариқ" трансформатор биноси.* ***Бошланғич баҳоси – 180 770 000 сўм;***

**2-ЛОТ.** *Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, "Қора-қамиш" 2/1 мавзеси манзилида жойлашган, умумий қурилиш майдони 78 кв.метр, фойдали майдони 59,64 кв.метрдан иборат №41-сонли "Ўразбоева" подстанцияси.* ***Бошланғич баҳоси – 258 870 000 сўм;***

**3-ЛОТ.** *Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси манзилида жойлашган, умумий ер майдони 2973.0 кв.метр, қурилиш майдони 690 кв.метр, фойдали майдони 575 кв.метрдан иборат №54-сонли "Пограничная" ним тортиш станцияси.* ***Бошланғич баҳоси – 5 194 220 000 сўм;***

**4-ЛОТ.** *Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси манзилида жойлашган, умумий қурилиш майдони 274 кв.метр, фойдали майдони 234.44 кв.метрдан иборат №71-сонли подстанция.* ***Бошланғич баҳоси – 603 600 000 сўм;***

**5-ЛОТ.** *Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси манзилида жойлашган, умумий қурилиш майдони 88 кв.метр, фойдали майдони 69.60 кв.метрдан иборат №88-сонли подстанция.* ***Бошланғич баҳоси – 256 450 000 сўм.***

**ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
**Аукцион савдолари 2021 йил 29 июль куни соат 15:00да ташкил қилинади.**
**29.07.2021 йил санасида аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2021 йил 05 август ва 2021 йил 12 август кунлари соат 15:00да ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) аукцион савдолари ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиз миқдордаги закалат пулларини тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, СТИР нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 банк иш куни муддат ичида Сотувчи, яъни "TOSHKENT TRAMVAYI" унитар корхонаси билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати ҳамда қўшимча шартлари олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар томонидан ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун ҳар бир мулк бўйича 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм миқдорида тўлов тўланиши лозим.

Аукцион савдоларида ғолиб бўлган талабгор мулк сотилиш қийматининг 2 % (фоизи) миқдорида комиссион йиғимини аукцион савдолари ўтказилган санадан бошлаб 5 (беш) кун мобайнида савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига тўлаб бериш мажбуриятини олади.

***Закалат тўлови учун реквизитлар: "KO'CHMAS MULK FINANS INVEST" МЧЖ, ҳ/р: 20208000900759233001, банк: "Қишлоқ қурилиш банк" АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 304815549.***

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан корхона ходими ёки аукцион ташкилотчиси ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Себзор кўчаси, 24 А-уй. Тел.: (93) 476-40-00. E-mail: kmfiauksion@mail.ru.**

*Лицензия № RR-0297.*

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 4002
Буюртма — Г-750
1 2 3 4 5 6
Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 00⁴⁵

ISSN 2181-0680

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Телефон:** (71) 244-32-68, 244-32-91
**Тел-факс:** (71) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг** бўлими: (71) 244-32-70

**Манзилимиз:** 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: А.Аҳмедов. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.